

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ- ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

2021

**Ҳайитов Ш.А. тарих фанлари доктори,
профессор**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК
ЖАРАЁНЛАР”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Ўзбекистон тарихи

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: Ш.А.Хайитов тарих фанлари доктори, профессор.

Тақризчи: К.Ж. Рахмонов тарих фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 9-сонли баённома)**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	24
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	72
V. ГЛОССАРИЙ	76
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	83

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” модули олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида ташкил қилинади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” модулининг мақсади: Ўзбекистон тарихи бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, Ўзбекистон тарихини ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” модулининг вазифалари:

- “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мазмун моҳиятини тадбиқ этилишига эришиш;
- Урбанизацияни жадаллаштириш учун кўрилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон тарихи бўйича маъруза, амалий ва мустақил таълим олиш дарсларини ташкил этиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаларига қўйиладиган талаблар

“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- жаҳон ва республикамизнинг Ўзбекистон тарихи фанининг ривожи ҳақида билимларни;
- Жаҳон цивилизациясининг мукаммал, ривожланиб бориш жараёнларида Ўзбекистон тарихий-демографик жараёнлар тарихи фанининг алоҳида фан мавқеига эга бўлганлигини;
- Қадимги, ўрта асрларда ва ҳозирги даврдаги Ўзбекистон тарихий-демографик жараёнлар тарихининг долзарб муаммоларни, тарихий назарияларини мукаммал ўрганиш **кўникмаларига** эга бўлиши зарур;
- креативлик ва ижодийликни Ўзбекистон тарихий-демографик жараёнларига оид фанларни ўқитишида қўллана олиш **малакаларини эгаллаши лозим**.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва
узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги “**Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари**” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар **Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар** орқали хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар ва ўйналишга мос зарурый билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		
			Жами	жумладан	
				Назарий машғулот	Амалий машғулот
1	“Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мазмун-моҳияти	2	2	2	
2	Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари мазмун-моҳияти	2	2	2	
3	Тарихий демография фанини ривожланиши тарихи	2	2	2	
4	Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлар	2	2	2	
5	Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш	2	2		2
6	Мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар	2	2		2
7	Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари	2	2		2
8	Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнлари	2	2		2
9	Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири	2	2		2
Жами		18	18	8	10

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга

**олишни ўтказиши Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Президентининг Фармони мазмун-моҳияти.**

Режа:

1. “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишини ўтказиши Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони республика аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумотлар.
2. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг мақсадли дастурлари.

**2-мавзу: Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш
дастурлари мазмун-моҳияти.**

Режа:

1. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқилиши.
2. Миллий мақсадлари индиқаторларини шакллантирилиши.

3-мавзу: Тарихий демография фанини ривожланиши тарихи.

Режа:

1. Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини ўрганиш фани сифатида.
2. Демография фанини ўрганадиган фанлараро йўналишлар.

4-мавзу: Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлар.

Режа:

1. Мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар.
2. Аҳоли ўсиши ва жойлашиши.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш.

Режа:

1. Меҳнат ресурслари жойлашуви жараёнларини ўрганиш.
2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш - илмий тадқиқотлар олиб бориши учун муҳим пойдевор сифатида.

2-мавзу: Мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар.

Режа:

1. Аҳоли ўсиши ва жойлашиши.
2. Аҳоли ўсиши жараёнларининг аҳоли ёш таркибига таъсири.

3-мавзу: Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.

Режа:

1. Урбанизацияни жадаллаштириш учун кўрилаётган чора-тадбирлар.
2. Урбанизацияни оқибатлари.

4-мавзу: Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнлари.

Режа:

1. Меҳнат миграцияси.
2. Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари.

5-мавзу: Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири.

Режа:

1. Ўзбекистондаги демографик ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсирини ўрганиш.
2. Янги иш ўринларини ташкил этишининг демографик жараёнларга таъсири.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

1. “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникумаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гурӯхларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО қуидаги схема (график тасвир) га эга бўлиб, топшириқ шу схема асосида бажарилади:




График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

2. “Кейс-стади” технологияси

“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш

кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

Булар қўйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўкув натижалари.

3. “Концептуал жадвал” ГО

Таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияtlари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида Годан қўйидагича фойдаланилади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди

Талабалар мавзу ва Годан фойдаланиш коидаси билан таништирилади

Талабалар кичик грухларга бириткирилади

Грухлар ўзларига берилган топширикни бажаради

Грухлар ечимни синф (грух) жамоаси ҳукмига ҳавола этади

Грухларнинг ечимлари синф (грух) жамоасида мұхокама қилинади

4. “Кластер” ГО

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим олувчилар билан якка тартибда, грух асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари

сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

5. “Конференция” методи

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, хаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қиласди.

Ўкув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиши сабаблари, уларни бартараф этиш йўлларини топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш қўникма, малакаларини ҳосил қиласди.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни қўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишиларида ёрдам беради.

6. “Кичик гурухларда ишлаш” методи

Метод таълим олувчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиши қўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Уни қўллаш таълим олувчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёқатига эга бўлишни тақозо этади.

Метод таълим олувчилар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтёрлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали ҳисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқища педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгалик инобатга олинади.

7. “ФСМУ” методи

График органайзер таълим оловчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиягини шакллантиришга хизмат қиласди.

Таълим оловчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:


№	Тушунчалар	(Φ)	(C)	(M)	(Y)
1.	Таълим методлари				
2.	Таълим воситалари				
3.	Таълимни ташхис қилиш				

8. “Қарорлар шажараси” (“қарор қабул қилиш”) стратегияси

Стратегия муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хulosаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукаммал тушунишга хизмат қиласди.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун таълим оловчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.

Унга кўра машғулотларда таълим оловчилар қуйидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув таҳтасидан фойдаланади):



“Ақлий ҳужум” методи

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методdir. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар.

“Ақлий ҳужум” методининг оғзаки туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволлар берилади:

1. Таълим жараёнида қадриятлар тизимининг ўрнини кўрсатинг?
2. Ўзбекистонда таълимни ташкил этишининг асосий босқичларини очиб беринг?
3. Таълим жараёнининг ички имкониятлари ва муаммоларииининг муҳим жиҳатларини таътифлаб беринг?
4. Болония декларациясининг асосий ютуқлари ва камчиликлари?
5. Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашувида фалсафанинг ролини очиб беринг?
6. Таълимнинг қайси шаклларини биласиз?

“Ақлий ҳужум” методининг ёзма туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволларга ёзма тўлиқроқ вариантда жавоб ёзишлари талаб этилади:

1. Таълим фалсафасининг моҳияти нималардан иборат?
2. Дунё таълим маконида гуманитар таълимни ташкил этиш имкониятлари?

Ақлий ҳужум	-(брейнсторминг – мия бўрони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
Усулни асосий ғояси	-ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил килиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг хатти-харакати учун бу ғоя асосий кўрсатгич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф килишга ундейди.

Қоидалари	Имкони борича қўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
Таълим берувчи	<p>Қатнашчиларни 3-4 гурӯхга бўлади ва ҳар бирига муаммолар таклиф этади (Илова 1)</p> <ul style="list-style-type: none"> -Иштирокчиларни қўллаб-қўвватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ҳа-йўқ сўзлари билан); -юмшоқ, аммо астойдил талабаларни бошқаларни танқид килишдан кайтариб туради; -ҳар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди; -талабаларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан кутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказади (блиц сўров) (Илова 2).
Фидбэйк	<ul style="list-style-type: none"> -ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; -энг тўғри ғояларни қўллаб-кувватлаш

3. Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари

Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ақлий ҳужум қоидалари:

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гурӯхи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қиласи, синтез қиласи, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қиласи” деган қоидасига амал қилиш.

Натижа:

- талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир талаба фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шакланади.


“ЛОЙИХА” методи



“Лойиҳа” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гурӯхларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хulosа чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбик этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Қўйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.



“Лойиха” методининг босқичлари

ИЛМИЙ МАҶОЛА ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

Таълим олувчиларга модул мавзулари доирасида эркин мавзу танлайдилар, улар мавзу ҳусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз илмий маҷолаларини тайёрлайдилар (ҳажм 4-5 варақгача)

“Инсерт жадвали”

Тинловчиларда маърузалар ва мустақил таълим жараёнида олган билимлари асосида назарий маълумотларни тизимлаштиришиб уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш, қабул қилинаётган маълумотларнинг тушунарлигини назорат қилиш аввал эгаллаган билимларини янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиради. Тингловчилар ушбу жадвал асосида дарсда олган билимларини ўз билимлари билан таққослайди, мавзу бўйича мустақил ишлаб, янги маълумотлар олади, уларни матнда қўйилган белгилар асосида жадвалга киритади.

Намуна:

Инсерт жадвали

“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР”

V	+	-	?
---	---	---	---

“V”- ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

“+” ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;

“-” янги маълумотлар

“?” мавзуга оид туғилган саволлар

“Т-жадвал” методи

Жадвал шаклида берилган топшириқни моҳиятига кўра қиёсий таққослашни амалга ошириш талаб этилади. Жадвалнинг ўнг ва чап томонларига масаланинг бир-бирига зид ҳолатлари баён этилади, масала ечими юзасидан якуний хуносага келинади.

Намуналар:

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълимнинг ўзига хос хусусиятлари	

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ютуқ ва камчиликлари

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки гоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна: “Динларни ўрганишда самарали услублардан бири минтақавий ёндашув” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш,

баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Ҳал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Қиёсий динишунослик</i>			
<i>Виждон эркинлиги</i>			
<i>Дин социологияси</i>			
<i>Тотем</i>			

Изоҳ: Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан

ишлишда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниш маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушиунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

“Бумеранг” технологияси

Максади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Амалга ошириш босқичлари:

- Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақика давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади.
- Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гурӯҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳакида фикр алмасиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.
- Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларининг хар бири ўқиган маълумот ҳакида фикр алмасиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 10 дақиқа вақт берилади.
- Барча дастлаб шаклланган гурӯҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмасинган маълумот юзасидан бошқа гурӯҳларга бериш учун савол

шакллантиради.

5. Ҳар бир гурухдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.
6. Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гуруҳни эълон қиласди.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Бумеранг” технологияси асосида вазифа: Олинганди материални мазмунини тушуниб олишга харакат килинг, сўнг гуруҳда мухокама қилинг

<p>1- гурухга вазифа</p>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштирса, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскриптни тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширса бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида; - “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб; - “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириши орқали
<p>2- гурухга вазифа</p>	<p>Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиласди, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варакланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз биланбиргаликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эфектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинганди суратлар ёки архив кадрлари, ҳужсатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.</p>

3- гурӯҳга вазифа	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий сабаб журналистиканинг мультимедиявийлиги яратилган фотоиллюстрациялаширишининг синтетик варианти бўлиб, мустақил жсанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашиётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мусиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эфект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуralар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>
4-гурӯҳга вазифа	<ul style="list-style-type: none"> - Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишида уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир. - Интерактив фото – шундай фотографияки, унга маҳсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1. Мавзу: “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мазмун-моҳияти.

Режа:

- “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони республика аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумотлар.
- Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг мақсадли дастурлари.

Тачнч сўзлар: Қонун, Қарор, Фармон, Республика, Президент, аҳоли, аҳолини рўйхати, Концепция, прогноз, модда, аҳоли даромадлари, қонунчилик, ижтимоий қатлам.

“Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади. Аҳолини рўйхатга олиш - Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иктисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиши ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни Қонунчилик палатаси томонидан 2019-йил 21-ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2020-йил 28-февралда маъқулланган

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат, мазкур қонун қуйидаги моддалардан иборат.

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аҳолини рўйхатга олиш - Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиши ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни;

аҳолини рўйхатга олиш санаси - аҳоли тўғрисидаги маълумотларни йиғиши ва ҳисобга олиш амалга ошириладиган аниқ пайт (йил, ой, кун ва соат);

респондентлар - аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

рўйхатга олиш варағи - кўрсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланка;

рўйхатга олиш ҳужжатлари - аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига тааллуқли ҳужжатлар мажмуи;

рўйхатга оловчи ходимлар - Ўзбекистон Республикасининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, маҳсус ўқувдан ўтган вояга етган фуқаролари;

уй хўжалиги - битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда

яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган, умумий хўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахслар йифиндиси. Бу шахслар қариндошлиқ муносабатларида бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Уй хўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши мумкин.

4-модда. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий мақсади

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни сотсиал-иктисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва холис ахборотни олишдан иборатdir.

5-модда. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар яшаш шартшароитларини яхшилаш, оиласарга ёрдам кўрсатиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш мақсадида аҳоли таркибидаги, мамлакатнинг демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш;

шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишининг узок, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ҳамда дастурларини тайёрлаш;

аҳолини рўйхатга олишлар оралиғидаги даврда аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш;

ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш.

6-модда. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий принциплари

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

даврийлик;

умумийлик ва бир пайтдалик;

рўйхатга олишнинг якка тартибдалиги;

шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги;
аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги.

7-модда. Даврийлик принсиби

Аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги қарор санаси ва муддати кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, қоида тариқасида, рўйхатга олишни ўтказиш мўлжалланган санадан камида уч йил олдин киритилади.

8-модда. Умумийлик ва бир пайтдалик принсиби

Аҳолини рўйхатга олишнинг ягона белгиланган санасида шахсга доир маълумотларни барча респондентлардан йиғиш Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ёки унинг муайян худудларида бир пайтнинг ўзида амалга оширилади.

9-модда. Рўйхатга олишнинг якка тартибдалиги принсиби

Шахсга доир маълумотлар йиғилаётганда рўйхатга олиш варағи ҳар бир респондент учун якка тартибда тўлдирилади.

10-модда. Шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги принсиби

Аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотлари махфий бўлиб, респондентнинг розилигисиз ошкор этилмайди ва тарқатилмайди.

11-модда. Аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги принциби

Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш аҳолини рўйхатга олишни ягона бошқарув тизимини яратиш асосида марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

12-модда. Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасида

аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатларига мувофиқ амалга оширилади.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

аҳолини рўйхатга олиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибини, Аҳолини рўйхатга олиш дастурини ҳамда рўйхатга олиш варафининг шаклларини тасдиқлайди;

аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

аҳолини рўйхатга олишга жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

14-модда. Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси

Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси:

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлайди;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар жараёнининг мувофиқлаштирилиши ва мониторингини амалга оширади;

аҳолини рўйхатга олиш натижаларининг таҳлилини ўтказади;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш, аҳолини рўйхатга олиш материалларига ишлов беришни

ташкил этиш ва унинг якуний натижаларини эълон қилиш масалаларига доир таклифларни кўриб чиқади;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда иштирок этиш учун жисмоний ва юридик шахсларни уларнинг ишига ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилган ҳолда жалб этишни ташкил этади;

халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссиясини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссиясининг ишчи органидир.

15-модда. Аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда маҳсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Маҳсус ваколатли давлат органи:

рўйхатга олиш хужжатлари шаклларини, рўйхатга оловчи ходимлар гувоҳномаси шаклини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди; Аҳолини рўйхатга олиш дастурини ва рўйхатга олиш варағининг шаклларини ишлаб чиқади; рўйхатга олиш вараклари тайёрланишини ва ҳудудларга етказилишини таъминлайди; аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида аҳолини хабардор қилишга доир ишларни мувофиқлаштиради; рўйхатга оловчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитиш тартибини, шунингдек шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тартибини белгилайди ва уларга ишлов беришни амалга оширади; рўйхатга олиш вараклари ва бошқа рўйхатга олиш хужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши), йўқ

қилиниши тартибини белгилайди; рўйхатга олиш вараклари ва бошқа аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларини сақлаш ва йўқ қилишни таъминлайди. 16-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича худудий комиссияларни тузади; маъмурий-худудий бирликлар чегараларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларида доимий яшовчи аҳоли сонини кўрсатган ҳолда ушбу пунктларнинг тўлиқ рўйхати тузилишини таъминлайди; маъмурий-худудий бирликларда кўчаларнинг номлари, уйлар ва хонадонларнинг рақамлари кўрсатилган кўрсаткичлар бўлишини таъминлайди; жалб этилган рўйхатга оловчи ходимлар таркибини тасдиқлайди; рўйхатга оловчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитишни ташкил этади; аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш доирасидаги ишларни бажаришга жалб этиладиган шахсларнинг ўқиши ва ишлаши учун яроқли мебел ҳамда алоқа воситалари билан жиҳозланган вақтинчалик хоналар, шунингдек зарур транспорт воситалари берилишини таъминлайди; рўйхатга олиш варакларини ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларини вақтинча сақлаш учун қўриқланадиган хоналар ажратиш юзасидан чоралар кўради; аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этади.

17-модда. Вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ва идораларнинг аҳолини рўйхатга олишда иштирок этиши

Аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш учун масул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар махсус ваколатли давлат органига аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги вазифаларни бажариш юзасидан кўмаклашади.

18-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг аҳолини рўйхатга олишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат

ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари:

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга кўмаклашиши; аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш жараёнида иштирок этиши; жойларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин.

19-модда. Респондентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Респондентлар:

ўзининг шахсга доир маълумотлари нима мақсадда йифилаётганлигини, ушбу маълумотлардан ким ва қандай тарзда фойдаланишини билиш;

ўзи учун тўлдирилган рўйхатга олиш варақлари билан танишиб чиқиш, рўйхатга олиш варақларига киритилган шахсга доир маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини аниқлаштириш;

рўйхатга оловчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишини талаб қилиш, рад этилган тақдирда эса — рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб бермаслик;

рўйхатга олиш варағининг шаклига биноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Респондентлар аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга монелик қилмаслиги шарт.

20-модда. Рўйхатга оловчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Рўйхатга оловчи ходимлар:

рўйхатга олиш варағига биноан респондентлардан шахсга доир маълумотларни олиш;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни бажарганлик учун меҳнатига ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Рўйхатга оловчи ходимлар:

шахсга доир маълумотларни йиғишни бошлашдан олдин респондентга ўз гувоҳномасини кўрсатиши;

ўз ваколатларига мувофиқ ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда

бажариши;

шахсга доир маълумотларни йиғиш жараёнида Аҳолини рўйхатга олиш дастурида белгиланган саволлар рўйхатига риоя этиши, уларнинг мазмунни бузилишига йўл қўймаслиги;

шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши, уларнинг мазмунини ошкор қилмаслиги шарт.

21-модда. Аҳолини рўйхатга олиш дастури

Шахсга доир маълумотларни йиғиш амалга ошириладиган саволлар рўйхати Аҳолини рўйхатга олиш дастуридир.

Аҳолини рўйхатга олиш дастури қуйидаги саволларни ўз ичига олади: фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси ва жойи; ёши; жинси; миллати; фуқаролиги; яшаш жойи (турган жойи); тилларни билиши; маълумоти; никоҳ ҳолати; болаларининг сони; уй хўжалиги таркиби; уй-жой шароитлари; бандлиги; яшаш учун маблағлар манбалари; мигратсия (ички ва ташқи).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Аҳолини рўйхатга олиш дастурига қўшимча равишда бошқа саволлар киритилиши мумкин.

Жавоблари давлат сирларига ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга тааллуқли ахборотни ўз ичига олиши мумкин бўлган, фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи саволлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Рўйхатга олиш варагининг шакллари Аҳолини рўйхатга олиш дастури асосида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

22-модда. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш

Аҳолини рўйхатга олиш дастури лойиҳасини ва рўйхатга олиш ҳужжатларининг шаклларини, шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов беришни, шунингдек аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирларни бир ёки бир неча маъмурӣ-ҳудудий бирликларда синовдан ўтказиш синов тариқасида

аҳолини рўйхатга олишдир.

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

23-модда. Шахсга доир маълумотларни йиғиш тартиби

Шахсга доир маълумотларни йиғиш респондентлар яшайдиган (турадиган) тураг жойларни ва бошқа хоналарни айланиб чиқиш чоғида ёхуд маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган хоналарда респондентлар сўровини ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш варакларини тўлдириш орқали амалга оширилади.

Шахсга доир маълумотларни йиғиш ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникатсия технологияларидан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Респондентлар сўрови давлат тилида ўтказилади. Давлат тилини билмайдиган респондентлар она тилида ёки эркин равища танланган мулоқот тилида сўровдан ўтказилиши мумкин.

Рўйхатга олиш вараклари рўйхатга олувчи ходимлар томонидан респондентларнинг сўзлари асосида тўлдирилади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш муддати ичida яшаш (турган) жойида ҳозир бўлмаган ёки вояга етмаган шахслар бўлган респондентлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар улар уй хўжалигининг вояга етган аъзолари томонидан маълум қилинади. Ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар уларнинг васийлари ёхуд ҳомийлари томонидан маълум қилинади.

Респондент рўйхатга олиш варагидаги саволларга жавоб беришни рад этган тақдирда рўйхатга олиш вараги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурида назарда тутилмаган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни йиғиш тақиқланади.

24-модда. Аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан шахсга доир

маълумотларни йиғиш

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш санасида чақирув асосида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар бўлган, шунингдек контракт бўйича ҳарбий хизматга жалб этилган ҳарбий хизматчилар бўлган ва уларнинг ёпиқ ҳудудларда яшаётган оила аъзоси бўлган респондентлар ҳақидаги шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳарбий қисм командири ёки у ваколат берган шахс томонидан амалга оширилади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш санасида:

болалар интернатларида, тарбия муассасаларида, “Болалар шаҳарчалари” да;
ижтимоий муассасаларда;
диний муассасаларда;
шифохоналарда ва бошқа соғлиқни сақлаш ташкилотларида;
зўравонликдан жабрланган шахсларни реабилитатсия қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларида;
қамоқда сақлаш жойларида, тергов ҳибсонасида, ахлоқ тузатиш муассасаларида ва маҳсус муассасаларда яшаётган (бўлган) респондентлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотларни йиғиш ушбу қисмда назарда тутилган муассасалар ҳамда ташкилотлар маъмуриятлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консулий муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ходимлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда уларнинг ўзи билан бирга бўлган оила аъзолари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро хукуматлараро ташкилотлардаги квоталангандан лавозимларга юборилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан рўйхатга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитатсия қилинган чет давлатлар доимий ваколатхоналарининг, халқаро, хукуматлараро ташкилотлар ва чет давлатлар ҳукумат ташкилотлари

ваколатхоналарининг ходимлари бўлган чет эл фуқаролари ҳамда уларнинг оила аъзолари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ дипломатик имтиёзларга ва иммунитетга эга бўлган бошқа шахслар рўйхатга олинмайди.

25-модда. Аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотлари
Шахсга доир маълумотларни йифиш ва уларга ишлов бериш натижасида шакллантирилган йиғма статистик ахборот аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотларидир.

Аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг асосий кўрсаткичларини тавсифловчи якуний маълумотлар жисмоний ва юридик шахслар учун очиқдир ҳамда улар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва маҳсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотларидан фойдаланишида мулкий ва маънавий зарар етказишга, фуқароларнинг ҳуқуqlари ҳамда эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

26-модда. Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларни молиялаштириш

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

27-модда. Низоларни ҳал этиш

Аҳолини рўйхатга олиш соҳасида юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28-модда. Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузилганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

29-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти

тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

30-модда. Қонун хужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

31-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Назорат саволлари

1. “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қандай мақсадларни қўзлаб қаъбул қилинган?
2. Ушбу Фармон қандай мақсадларни қўзлаб қаъбул қилинди?
3. Аҳолини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикасининг қайси худудларин қамраб олиши кўзда тутилган?
4. Аҳолини рўйхатга олиш қайси санадан бошлаб амалга оширилади?
5. Қонунчилик палатаси томонидан 2019-йил 21-ноябрда қандай қонун қабул қилинган?
6. Мазкур қонунни Сенат томонидан маъқулланиши қандай кечди?
7. Аҳоли рўйхатини шакллантиришга жалб қилинадиганларга тўлов қай тариқа амалга оширилади?
8. Аҳолини рўйхатга олишга кимлар жалб қилинади?

2-МАВЗУ: Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари мазмун-моҳияти.

Режа:

1. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқилиши бўйича Президент қарори.
2. Миллий мақсадлари индиқаторларини шакллантирилиши.

Таянч сўзлар: *Бандлик, янги иш ўринлари, аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш, индиқатор, иқтисодий ўсиши, тадбиркорлик, Меҳнат кодекси, бандлик мониторинги.*

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқилиши бўйича Президент қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чоратадбирлар дастури 5-бандининг ижросини таъминлаш, шунингдек, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашда фаол иштирок этаётган иш берувчиларни ижтимоий рафбатлантиришнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг:

2018 йилдан бошлаб янги иш ўринларини фаол ташкил этаётган, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаётган иш берувчиларга нисбатан рафбатлантириш чора-тадбирларини қўллашни назарда тутувчи «Ижтимоий масъулият ва самарадорлик» рейтинг тизимини жорий этиш;

жорий этилаётган «Ижтимоий масъулият ва самарадорлик» рейтинг тизими доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ва Савдо-саноат палатасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни ташкил этиш;

иш берувчилар ўртасида «Ижтимоий масъулият ва самарадорлик»

республика ва худудий танловларини (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ҳар йили ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашда фаол иштирок этаётган иш берувчиларнинг рейтингини аниқлаш, шунингдек, уларга ижтимоий рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Касаба ўюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда:

а) иш берувчиларнинг иш ўринлари ташкил этиш ва уларни сақлаш, аҳолини ишга жойлаштириш, ходимлар учун муносаб мөхнат шароитларини таъминлаш бўйича фаолиятини баҳолаш натижалари асосида уларнинг рейтингини тузиш методикасини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) ҳар йили 15 декабргача «ТОП-100» энг яхши юзта ташкилот рейтинги оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини ва ушбу ташкилотларга (иш берувчиларга) тегишли сертификатлар берилишини таъминласин;

в) «Ижтимоий масъулият ва самарадорлик» республика танлови ва худудий танловлар тўғрисидаги низомларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда унда:

танловда иштирок этиш учун ахборот тақдим этиш шакллари;

танлов ғолибларини танлаш мезонлари;

танловни ўтказиш ва унинг ғолибларини мукофотлаш тартиби;

танловни ўтказиш билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш тартиботларини белгилаш назарда тутилсан.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) республика танлови қўйидаги номинацияларда ўтказилади:

«Иш ўринларини ташкил этгани ва аҳолини ишга жойлаштиришни ривожлантиргани учун»;

«Меҳнатни самарали муҳофаза қилгани ва ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат шароитларини яратгани учун»;

«Ижтимоий шерикликни ривожлантиргани учун»;

«Ташкилотда ёшларга оид фаол сиёsatни амалга оширгани учун»;

б) ҳудудий танловлар номинациялари тегишли ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини томонидан белгиланади;

в) танловларни ўtkазиш тадбирлари танлов ташкилотчилари томонидан молиялаштирилади.

Танлов ташкилотчилари Ўзбекистон Бадиий академияси билан биргалиқда 2018 йил 1 февралгача ҳар бир номинация бўйича танлов ғолибларига мукофотлар эскизларини тайёрласин ва тасдиқласинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини ҳудудий танловларнинг юқори ташкилий савияда ўтказилишини ва ғолибларнинг республика танлови номинациясига тақдим этилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига танловларнинг кенг ёритилишини ташкил этиш, уларнинг иштирокчилари ва ғолиблари тўғрисидаги ахборот материалларини республика ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Молия вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А. Хайтов зиммасига юклансин.

1. Ушбу Низом янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашда фаол иштирок этаётган иш берувчилар рейтингини (кейинги ўринларда рейтинг деб аталади) аниқлаш, шунингдек, уларга ижтимоий рағбатлантириш чораларини қўллаш тартибини белгилайди.

2. Рейтинг янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашни ривожлантиришда ташкилотлар (кейинги ўринларда иш берувчилар деб аталади) раҳбарларининг манфаатдорлигини рағбатлантириш мақсадида ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича аниқланади.
 3. Рейтинг ҳар йили аниқланади. Календарь йил рейтингни аниқлаш учун ҳисобот даври ҳисобланади.
 4. Рейтинг қўйидаги тамойиллар асосида аниқланади:
 - қонунийлик;
 - очиқлик;
 - холислик;
 - иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги.
 5. Рейтингда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасида, шунингдек, бошқа соҳаларда фаолият юритаётган иш берувчилар иштирок этадилар.
 6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) рейтингни аниқлашни ташкилий ва техник жиҳатдан таъминлайди.
- 2-боб. Рейтингда иштирок этиш тартиби
7. Вазирлик рейтингни аниқлаш тўғрисидаги ахборотни ҳар йили 15 майгача оммавий ахборот воситаларида ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қиласди.
 8. Иш берувчилар рейтингда иштирок этиш учун Вазирликка ҳар йили 15 августгача қўйидаги ҳужжатларни (қофоз ва электрон шаклда) тақдим этади:
 - рейтингда иштирок этиш учун ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича буортманома;
 - ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобот давридаги ва олдинги йилнинг шу давридаги ўз фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ахборот;
 - иш берувчининг ижтимоий масъулияти амалиётини тасдиқловчи мавжуд

ижтимоий дастурлар тўғрисида маълумотнома ёки бошқа ахборот (жамоавий шартномалар, ахборот буклетлари, фотосуратлар ва бошқа материаллар);

иш берувчининг ўз фаолияти кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга ва ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ кўрсаткичларнинг белгиланган рўйхати бўйича иш берувчини ўрганишга расмий розилиги.

9. Ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ рейтингда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ташкилот раҳбари ёки унинг ваколатли вакили имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланади (тадбиркорлик субъектларидан муҳр билан тасдиқлаш талаб қилинмайди).

(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 авгуустдаги 661-сонли қарори таҳририда — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.08.2019 й., 09/19/661/3571-сон)

10. Вазирлик ҳар йили 25 авгуустгача тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғри расмийлаштирилганини текширади.

З-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

11. Вазирлик томонидан ҳар йили 1 авгуустгача камида етти кишидан иборат таркибда рейтинг якунларини сарҳисоб қилиш бўйича эксперт комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тузилади.

Комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан тасдиқланади ва Комиссия раиси, раис ўринbosари, котиби ва аъзоларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринbosари лавозими бўйича Комиссия раиси ҳисобланади.

Комиссиянинг ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳамда иш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан белгиланади.

12. Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари, шунингдек, бошқа вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари

вакиллари киритилади.

13. Комиссия, агар унинг мажлисида Комиссия аъзоларининг камидаги ярми иштирок этса, қарор қабул қилиш ҳукуқига эга бўлади. Комиссия қарорлари мажлисда иштирок этган Комиссия аъзоларининг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда, Комиссия раиси, у бўлмагандаги эса — Комиссия раисининг ўринbosари овоз берган қарор қабул қилинади.

14. Комиссия қарори Комиссия котиби юритадиган баённома билан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси, у бўлмагандаги — Комиссия раисининг ўринbosари томонидан имзоланади.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш Республика илмий маркази (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

4-боб. Рейтингни аниқлаш тартиби

16. Комиссия ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ва иш берувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиши натижалари бўйича Вазирлик ахбороти асосида ҳар йили 1 сентябргача иш берувчиларни рейтингда иштирок этишга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Қуйидагилар:

ушбу Низомга З-иловада қайд этилган ахборотнинг мос келмаслиги ёки унинг тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаслиги;

ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган муддатга риоя этилмаслиги иш берувчининг рейтингда иштирок этишини рад этиш учун асос ҳисобланади.

17. Иш берувчининг рейтингда иштирок этишига рухсат этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг Ишчи орган иш берувчининг фаолият кўрсаткичлари тўғрисидаги статистика маълумотларини ошкор қилишга расмий розилиги асосида давлат статистика органларидан рейтингда

иштирок этиш бўйича буюртманомаларни экспертизадан ўтказиш учун зарур ахборотни сўраб олади.

18. Ишчи орган рейтингда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларни уларнинг давлат статистика органларидан олинган ахборотга, шунингдек, ISO 26000 — «Ижтимоий масъулият бўйича қўлланма» халқаро стандартига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади.

Экспертиза давомида рейтингда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларда номувофиқликлар аниқланган тақдирда, Ишчи орган бошқа давлат органлари ва ташкилотларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ҳамда ахборотни ўзаро ахборот ҳамкорлиги орқали, шу жумладан электрон шаклда мустақил олади.

Экспертиза ўтказиш учун қўшимча равишда олинган ҳужжатлар ва маълумотлар иш берувчи томонидан аввал тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда баҳоланади.

19. Экспертиза натижалари тўғрисидаги ахборот ва унга илова Ишчи орган томонидан рейтинг натижаларини чиқариш учун Комиссияга 15 сентябргача юборилади.

5-боб. Рейтинг якунларини сарҳисоб қилиш ва иш берувчиларни ижтимоий рағбатлантириш чораларини қўллаш

20. Ҳар бир иш берувчи бўйича рейтинг якунлари Комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Иш берувчининг рейтингини тузиш методикасига мувофиқ фаолиятнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича тўпланган баллар сонини жамлаш ўйли билан ҳар йили 1 октябргача сарҳисоб қилинади.

21. Иш берувчининг рейтингини тузиш методикасига мувофиқ иш берувчиларнинг ҳар бир груухи бўйича 1 - 6-ўринларни эгаллаган ғолиблар (кейинги ўринларда рейтинг ғолиблари деб аталади) аниқланади.

22. Рейтинг якунлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг қўшма қарори билан тасдиқланади. Қўшма қарор лойиҳаси Комиссия баённомаси асосида тайёрланади.

23. Ҳар йилги рейтинг ғолиблари жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай фахрий сертификатлар билан тақдирланади.

Рейтингда қатнашган барча иш берувчилар Вазирликнинг миннатдорлик хатлари билан тақдирланади.


Республика танлови ва худудий танловлар ғолиблари ҳар йили йил якунлари бўйича тантанали вазиятда тақдирланади.

24. Фахрий сертификатлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан рейтингда ғолиб чиққан ташкилотлар раҳбарларига ёки уларнинг ваколатли шахсларига топширилади.

25. Юқори рейтинг баҳосини олган 100 нафар иш берувчи кўрсатилган рейтинг якунлари ҳар йили 20 ноябрдан кечиктирмай республика ва маҳаллий босма ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашда фаол иштирок этаётган иш берувчиларнинг рейтингини аниқлаш, шунингдек, уларга ижтимоий рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга

**Иш берувчилар рейтингини аниқлаш ва уларга ижтимоий
рағбатлантириш чораларини қўллаш тартибининг
СХЕМАСИ**



Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантирилиши.

2019 йил 6 декабрь Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартағи “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буортмаси тұгрысига”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрдаги “Хусусий бандлик агентликлари тұгрысига”ги Конуни ижроси юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Меҳнат бозоридаги талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, жорий йил илк маротаба давлат буюртмаси мақсадли кўрсаткичлари белгиланди ва унга кўра 2019 йилда 370 мингта янги иш ўринларини ташкил этиш ва 182 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш вазифаси қўйилди. Шунга мувофиқ, мутасадди вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари ва ҳокимликлар томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, **жорий йилнинг 10 ой давомида** республика бўйича **304,5 мингта** иш ўринлари яратилган ёки 10 ойлик прогноз **119,7 фоизга** бажарилган. Хусусан, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан таркибиға киравчи **640** та йирик лойиҳаларни амалга ошириш орқали **37,0 мингта** иш ўрни яратилган.

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ролини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида **кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳисобига 146 мингта янги иш ўринлари** ташкил этилган.

Жорий йилнинг 10 ойида фаолият кўрсатмаётган, самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган **1059** та обьектлар амалга ошириш ҳисобига **13,5 мингта** иш ўрни яратилган.

Давлат бюджети маблағлари ва давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ишга тушган ижтимоий ва бошқа обьектлар ҳисобига **14,2 мингта** иш ўринлари ташкил қилинган бўлиб, шулардан бюджет маблағлари ҳисобига **238** та лойиҳада **4,6 минта** иш ўрни, давлат хусусий-шерикчилик асосида **1 699** та лойиҳада **9,6 мингта** иш ўрни яратилган.

Хунармандчиликни ривожлантириш, шунингдек, халқ амалий санъатини тарғиб этиш ва қўллаб-куватлаш натижасида қарийб **21,3 минг** нафар аҳоли бандлиги таъминланган. Хунармандчилик соҳаси яхши ривожланган Марғилон шаҳрида 705 та, Риштон туманида 638 та, Кўқон шаҳрида 512 та, Наманганд шаҳрида 931 та иш ўрни янги рўйхатдан ўтган хунармандлар ҳисобига яратилган.

Қолаверса, тижорат банклари ва жамғармаларнинг мақсадли маблағлари ҳисобидан жами **72,3 мингта** иш ўрни ташкил этилган.

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак” деган принцип асосида **“Сиз учун хизмат қилиш биз учун шараф”** шиори остида бу йилдан жорий қилинган **“Ягона ойна”** тамойили асосида меҳнат органлари томонидан **659,8 минг** жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатилди. Жумладан, **295,2 минг** аҳолининг давлат буюртмаси доирасида яратилаётган ва бўш (вакант) иш ўринларига ишга жойлашишига кўмаклашилди, **32,8 минг** ишсиз аҳоли бугунги кунда меҳнат бозоридаги талабдан келиб чиқиб, **касбга ўқитилди** ҳамда ушбу мақсадлар учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан **34,0 млрд. сўм** сарфланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарорига асосан туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорлари асосида ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ, иш топишда қийналанаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 2019 йилда **18,0 мингдан зиёд** иш берувчиларда квота қилинган иш ўринларига **79,6 минг ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ аҳоли тоифадагилар ишга жойлашган.**

Субсидия ва **грант** бериш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан **15 млрд.сўм** ажратилди.

Хозирги кунда жами **9,1 млрд. сўм** микдорда субсидиялар берилди, **10 минг** ишсиз аҳоли бандлиги таъминланди ҳамда **957,1 млн. сўм** ажратилган грант маблағалари эвазига **1300 нафар** ишсиз аҳоли касбга ўқитилди.

Бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан **131,1 млрд. сўм** тижорат банклари орқали ишсиз шасхларга, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга янги иш ўринлари ташкил этишини назарда тутувчи кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун **микрокредитлар ажратилган, 3,4 минг** фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрдаги “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистонда

ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги монополияга чек қўйилди ва бу борада фаолият юритиш учун хусусий секторларга имконият яратилди.

Бугунги кунга келиб, **хусусий бандлик агентликлар** сони **90** тага етказилди ва улардан **60** таси фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини (лицензия) олган.

Хусусий бандлик агентликлар томонидан **41,3** минг фуқароларга хизматлар кўрсатилган. Асосан Фарғона (14,2 минг), Андижон, Наманган, Самарқанд (4,3 мингдан), Бухоро (2,8 минг), Қашқадарё (2,4 минг) ва Самарқанд (3,7 минг) вилоятларининг фуқароларига хизматлар кўрсатилган. **1,9** минг фуқаро ташкиллаштирилган ҳолда Россия, Туркия, Литвия, Польша, Бирлашган Араб Амирликлари, Истроил ва бошқа мамлакатларига ишга юборилган бўлса, **77 нафар фуқарони Ўзбекистон** худудида ишга жойлаштирган.

Хусусий бандлик агентликлари фаолиятини янада такомиллаштириш, улар томонидан фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлида тегишли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Матбуот анжумани давомида шу каби долзарб масалалар хусусида фикр алмашилди.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сонли қарори нимага бағишланган?
2. Меҳнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури нимани назарда тутади?
3. Ушбу Фармон қандай мақсадларни қўзлаб қаъбул қилинди?
4. Аҳолини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикасининг қайси худудларини қамраб олиши кўзда тутилган?
5. Аҳолини рўйхатга олиш қандай мақсадда амалга оширилади?

6. Қонунчилик палатаси томонидан 2019-йил 21-ноябрда қандай қонун қабул қилинган?
7. Қонуний миграция нима?
8. Аҳоли янги иш ўринларини яратиш бўйича қандай амалий ишлар амалга оширилмоқда?
9. Хусусий бандлик агентликлари мақсади нимада?

3-МАВЗУ: Тарихий демография фанини ривожланиши тарихи.

Режа:

1. Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини ўрганиш фани сифатида.
2. Демография фанини ўрганадиган фанлараро йўналишлар.

Таянч сўзлар: *тарихий демография, демография, ривожланниш динамикаси, аҳоли таркиби, ҳудудлар бўйича ривожлантириши, аҳоли саломатлиги, ўсии суратлари.*

Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини ўрганиш фани сифатида.

Аҳолининг ёш таркиби, ижтимоий ва демографик ривожланишда туғилиш ва ўлим жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, туғилиш юқори бўлган ҳудудларда болалар салмоғи ю қори бўлади, аксинча туғилиш даражаси паст бўлган ҳолларда эса қариялар салмоғи юқори ва ўлим ҳолатлари кўпроқ бўлади. Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркибига оид тўлиқ маълумотлар аҳоли рўйхати ва статистик маълумотларда берилган. Мазкур тадкиқотда республика шаҳар аҳолисининг ёш таркиби 1959, 1970, 1979, 1989 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатлари ва ундан кейинги йиллардаги статистик маълумотлар асосида таҳлил этилди ва қариш индекси динамикаси тузилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, шаҳар аҳолисининг ёш таркиби, ундаги ижтимоий, иқтисодий ва демографик омиллар таъсирида ўзгариб

турган (жадвал). Жадвал Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг ёш таркиби динамикаси, минг қиши ҳисобида1 Инсонлар/ ёш гурухлари 1959 1970 1979 1989 1991 2000 2004 Болалар (0-15 ёш) 921,0 1642,6 2247,4 2958,1 3062,1 3207,4 2913,9 • Мехнат ёшидаги аҳоли (16-54 аёл, 16- 59 эркак) 1532,5 2218,4 3436,7 4321,8 4459,0 5123,8 5694,8 Қариялар (55+ аёл, 60+ эркак) 274,2 460,6 593,8 761,1 784,0 834,3 833,2 Жами аҳоли 2728,5 4321,6 6277,9 8041,0 8305,1 9165,5 9441,9 Жадвал маълумотларига кўра, 1959-2004 йиллар, яъни 45 йил мобайнида шаҳар аҳолиси 3,5 марта кўпайган бўлса, бу даврда шаҳар аҳолисининг ёш таркибида болалар сони-3,1, меҳнатга лаёқатли ёш даги аҳоли сони-3,7 ва қариялар сони эса 3,0 мартани таш кил этган. Кўрилаётган даврнинг турли оралиқларида шаҳар аҳолисининг кўпайиш суръати турлича бўлган. Жумладан, 1959-1970 йилларда шаҳар аҳолиси сони 58,4 фоизга ўсгани ҳолда, бу даврда шаҳар аҳолисининг ёш таркибида болалар сони-78, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони-44,7, қариялар сони-67,9 фоизга ўсан. Шу ўринда айтиш мумкинки, айнан шу йиллар шаҳар аҳолиси ва унинг ёш таркибида болалар ўзининг тарихий демографик ривожланишининг энг юқори кўрсаткичига эга бўлган. Ундан кейинги аҳоли рўйхати оралигida шаҳар умумий аҳолиси кўпайиш суръатининг пасайиши ва меҳнатга лаёқатли ёш даги аҳолининг бош қа ёш гурухлари Караганда тезроқ ўсиш жараёни намоён бўлган. Чунончи, 1970-1979 йилларда шаҳар аҳолиси сони 45,3 ф оизга кўпайгани ҳолда, бу даврда болалар сони-36,8, меҳнатга лаёқатли ёш даги сони-54,9, қариялар сони-28,9 ф оизга ўсан. Кўриниб турибдики, бу даврда шаҳар аҳолисининг ёш таркибида меҳнатга лаёқатли ёш даги аҳоли сонининг демографик ривожланиши кучайган. Мазкур ҳолат Иккинчи жаҳон урушидан кейинги «демографик тўлдириш » даврида туғилган аҳолининг бу ёш гурухига кириши билан 1 Жадвал аҳоли рўйхати ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган. 1979-1989 йилларда шаҳар аҳолиси сони-28,1, болалар сони-31,6, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони-25,7, қариялар сони-28,1 ф оизга ўсан. Таҳлиллардан кўриниб турганидек, охирги аҳоли рўйхати

оралигига шаҳар аҳолисининг ёш таркибида болалар сонининг ўсиши аҳолининг бошқа ёш гуруҳларига қараганда устунроқ бўлган. Мустакиллик йилларида шаҳар аҳолисининг ёш таркибидаги ўзгаришларни 1991-2000, 2000-2004 йиллар учун алоҳида даврларга бўлиб таҳлиллар олиб борқлди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1991-2000 йилларда шаҳар аҳолиси сони 10,3 фоизга ўсгани ҳолда, бу даврда болалар сони-4,7, меҳнатга лаёкатли ёш даги аҳоли сони-14,9, кариялар сони-6,4 фоизга кўпайган. Охирги беш йилликда (2000-2004 йй.) шаҳар аҳолисининг ёш таркиби динам икасида жиддий ўзгариш лар юз берган, яъни болалар ва кариялар сонининг камайиши кузатилган. Агар 2000-2004 йилларда шаҳар аҳолиси сони-3,0, меҳнатга лаёкатли ёш даги аҳолиси сони 11,1 фоизга ўсган бўлса, бу даврда болалар сони-9,2, кариялар сони-0,2 фоизга камайган. Шаҳар аҳолисининг ёш таркибида болалар мутлоқ сонининг камайиши туғилиш кўрсаткичининг кескин кискариши билан боғлиқ. Айни вактда кариялар сонининг камайиш ини кўрилаётган ёш гуруҳининг туғилиш нинг интенсив¹ паст даврида туғилганлиги ва асосий ўлим сабабларидан ўлганлар сонининг ортиши билан изоҳлаш мумкин. Шундай килиб, шаҳар жойларида туғилиш кўрсаткичининг кескин камайиши натижасида болалар сон ва салмоқ жиҳатидан қисқармоқда, аксинча меҳнатга лаёкатли ёшдаги аҳоли сони огишмай ортиб бормоқда. Бу ҳозирги замон демографик ривожланиш хусусиятлари шахар аҳолисида «куйидан» кексайиш жараёни бошланганлигидан далолат бермоқда (раем). Расмдан кўриниб турганидек, 1959-1991 йилларда шахар аҳолисининг кариш индекси нисбатан тезроқ камайиш жараёни якқол кўзга таш ланади. Чунончи, шаҳар аҳолисининг кариш индекси 1959 йилда 29,7 фоиздан 1991 йилда 25,6 фоизгача ёки 4,1 пунктгача камайган. Мазкур ҳолат ўз навбатида туғилишнинг юқорилиги шаҳар аҳолисининг ёш таркибида болалар сонининг қарияларга нисбатан юқори даражада ўсганлиги билан боғлиқ. Агар шаҳар аҳодиси таркибида болалар сони 1991 йилда 1959 йилга нисбатан 332,4 фоизга кўпайган бўлса, бу даврда кариялар сони 285,9 фоизга ўсган. Илмий таҳлиллар кўрсатиш ича, шаҳар аҳолисида 1991 йилдан бошлиб

кариш индекси мунтазам ортиб борган. Бу кўрсаткич 1991 йилда 25,6 фоиздан 2004 йилда 28,6 фоизгача ёки 3,0 пунктга кўпайган. Кўрилаётган даврда кариялар сонининг болалар сонига нисбатан юқори суръатда ўсиши кариш индексининг ортишига олиб келган. Чунончи, кариялар сони 2004 йилда 1991 йилга нисбатан 13,7 фоизга ўсган бўлса, бу даврда болалар сони 0,5 фоизга камайган. 32 30 28 26 24 22 .29.7 28.6 26,5 1979 1989 1991 2000 2004 1959 1970 Раем. Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг қариш индекси динамикаси 1 % ҳисобида Изоҳ: аҳолининг қариш индекси 20% дан бўлса паст, 20-30% ўртacha, 30% дан юқори бўлса баланд ҳисобланади. 1 Кариш индекси муаллиф томонидан аҳоли рўйхати ва Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида хисоблаб чиқилган 4 Шундай килиб, янги иқтисодий шароитда Ўзбекистон шаҳар жойларида аҳолининг қариш жараёни тезлаш мөқда. Мазкур ҳолат ўз навбатида аҳолининг кексайишига таъсир этувчи демографик омиллар бўлмиш туғилиш кўрсаткичининг камайиши ва туғилганда кутилаётган умр давомийлигининг узайиши билан бевосита баглиқдир. Туғилиш кариялар сонининг кўпайишида асосий база ҳисобланади, чунки туғилиш дараж асининг камайиши натижасида аҳолининг «куйидан» кексайиш жараёни рўй беради. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида республиканинг шаҳар жойларида ижтимоий-иктисодий ва демографик омиллар таъсирида туғилиш кўрсаткичи кескин пасайди. Чунончи, 1991 йил шаҳар жойларида тугилаётган болалар сони 224,7 минг 1 нафарни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 164,7 мингга 2 тушиб қолди ёки шу давр мобайнида у 26,7 фоизга камайган. Туғилиш жараёнидаги камайиш туғилишнинг умумий коэффициентида хам кузатилиб, 1991 йилда у 26,7 промилледан 2005 йилда 17,34 промиллега, яъни 9,4 пунктга камайган. Туғилиш кўрсаткичининг камайиш тенденциясини янада яққолроқ тасаввур килиш учун туғилишнинг маҳсус ва йигинди коэффициентларидаги ўзгаришлар хам таҳлил қилинди. Статистик маълумотларга кўра, 1991 йил Ўзбекистон шаҳарларида туғилишнинг маҳсус коэффициента 107,665 ни ташкил этган бўлса, 2005

йилда бу кўрсаткич 61,186 га тенг бўлган ва шу йиллар мобайнида у 46,48 га, яъни 43,2 фоизга камайган. Туғилишнинг хусусий коэффициентининг камайишини таҳлил килиб қўрилганда, 1991-2005 йилларда туғилишнинг ёш гуруҳи коэффициента 15-19 ёшли аёлларда 74,8, 20-24 ёш дагиларда-36,3, 25-29 ёш дагиларда-26,7, 30-34 ёш дагиларда-37,3, 35-39 ёш дагиларда-30,9, 40-44 ёш дагиларда-48,4, ва 45-49 ёш лиларда 58,9 фоизга камайганлиги маълум бўлди. 15-19 ёшдаги аёлларда туғилиш кўрсаткичининг камайиши ушбу даврда қизларда никоҳ ёшининг кўтарилиши билан боғлиқ бўлса, 20- 24, 25-29, 30-34, 35-39 ёш гурухидаги аёлларда эса фарзандлар туғилиши орасидаги даврни сақлашга олиб бораётган харакатлари натиж асидир. 40 ёшдан юкори аёлларда туғилиш кўрсаткичининг камайиши асосан оиласда тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва ундан кейинги фарзандлар туғилишининг кескин камайиш и билан боғлик. Ўзбекистон шаҳарларида туғилиш кўрсаткичининг камайишини уни аник ифодаловчи туғилишнинг йигинди коэффициента динамикасида хам кузатиш мумкин. 1991 йил шаҳар жойларида туғилиш нинг йигинди коэффициента 3,13 ни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 1.798 га, яъни 42,9 фоизга камайган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, шаҳар жойлари туғилишнинг йигинди коэффициента бўйича дунёда туғилиш даражаси паст бўлган худудлар қаторидан ўрин олмоқда. Шундай килиб, республиканинг шаҳар жойларида туғилиш кўрсаткичининг камайиши аҳолининг ёш таркибида 0-15 ёшдаги болалар улушининг кескин кискаришига олиб келган. 1991 йилда уларнинг улушки 36,9 фоиздан 2004 йилда 30,8 фоизгача камайди. Айни пайтда меҳнатга лаёкатли ёшдаги аҳолининг улушки 53,7 фоиздан 60,3 фоизгача ошди. Бу эса, ўз навбатида шаҳар аҳолисининг ёш таркибида кариялар улушининг ортишини кўрсатади. Шуни хам унутмаслик керакки, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги «тўлдириш» даврида тугилган аҳолининг бугунги кунда кариялар гурухи қаторига кириши ҳам аҳолида кексайиш жараёни тараккий этишидан далолат беради.

Демография фанини ўрганадиган фанлараро йўналишлар.

Туғилиш жараёнининг камайиши аҳолининг «куйидан» кексайиш ининг демографик омили ҳисобланса, туғилганда кутилаётган умр давомийлигининг узайиши аҳолининг «юкоридан» кексайиш ининг асосий омили ҳисобланади. Сўнгти йилларда шаҳар аҳолисининг ўртача умр давомийлиги узлуксиз ортиб бормокда. Статистик маълумотларга кўра, 1991 йилда шаҳар аҳолисининг ўртача умр давомийлиги 69,3 ёшни ташкил этган бўлса, 2005 йилда у 71,2 ёшга етган ёки 1,8 ёшга ошган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон шаҳарларида эркак ва аёлларнинг яшашидаги фарқ 1990 йилдаги 8,2 ёшдан 2005 йилда 6,4 ёшга кискарган. Республиkaning шаҳар жойларида умр кўриш давомийлигининг ўсиши ўлим кўрсаткичларининг пасайиши билан изохланади. Статистик маълумотларга кўра, 1995 йил шаҳар жойларида ўлганлар сони 64, V мингтани ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 62,64 мингга ёки 2,7 фоизга камайган. Бунга boglik ўлимнинг умумий коэффициента 7,35 промилледан 6,66 промиллега камайган. Ўртача умр кўриш муддатининг узайишига чақалоқлар ўлимининг камайиши ҳам бевосита таъсир кўрсатади. 1991 йил шаҳар жойларида чақалоқлар ўлими 32,8 промиллени ташкил этиб, 2005 йилга кадар камайиб, бу йилда у 10,7 промиллега тенг бўлган ёки 2005 йилда 1991 йилга нисбатан 67,4 фоизга камайган. Юкоридагилардан келиб чикиб, Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг демографик вазиятига баҳо берадиган бўлсак, туғилиш кўрсаткичининг камайиши аҳолининг «куйидан» кексайишига сабаб бўлмокда. Шу билан бирга туғилганда кутилаётган умр давомийлигининг ўсиб бораётганлиги аҳолининг «юкоридан» кексайишига олиб келмокда. Бинобарин, айтиш мумкинки, агар демографик жараёнлар шу тарзда давом этадиган бўлса, Ўзбекистон шаҳар жойларида аҳолининг кексайиш жараёни узлуксиз тараккий этишидан далолат беради. Ҳозирги кунда дунё миқёсида кечаётган демографик жараёнлар ва уларнинг урбанизациялашув даражаси, шаҳар ва кишлок аҳолиси динамикаси, шаҳарларнинг ўсиш суръатларига таъсири долзарб масалалардан бири бўлиб, кўплаб мутахассисларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Маълумки, Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг мазкур масалалар билан маҳсус шуғулланувчи аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) мавжуд бўлиб, ушбу жамгарма томонидан дунёнинг кўплаб мамлакатларида аҳоли билан боғлик масалалар ўрганилиб келинмоқда. Мазкур ташкилотнинг 2005 йилдаги маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 47% и шаҳарларда истикомат қилаётган бўлиб, мутахассисларнинг таҳминларига Караганда, 2030 йилга келиб бу кўрсаткич 60% га етиши мумкин. Лекин, урбанизациялашув даражаси дунё миқёсида бир хил эмас, яъни бу кўрсаткич ривожланган давлатларда 76% бўлса, ривожланаётган давлатларда 41% ни ташкил этади. Урбанизация даражасининг юкорилиги шаҳарлар сони ва уларда истикомат килувчи аҳолининг кўп-озлиги билан белгиланиб, ижтимоий тараққиёт, маданият, фан, санъат каби соҳалардаги аҳвол ва ўзгаришларни ифодалайди. Урбанизация жараёнида шаҳарлар сони, айниқса, йирик шаҳарлар, шу жумладан, аҳолиси миллиондан ошган шаҳарлар сони тез кўпая боради. Шаҳар агломерациялари, мегаполислар, аҳоли манзиллари, айниқса, шаҳарлар кўпайиши аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб келиш жараёнини кучайтиради. Бу урбанизацияга хос бўлган хусусиятдир. Халқаро миқёсда қабул килинган мезонга кўра, урбанизация даражаси юқори мамлакатлар қаторига аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган шаҳарларда аҳолининг учдан бир кисми яшайдиган мамлакатлар киради. Юкоридаги фикрларга кўра, Ўрта Осиё таркибига кирувчи давлатларнинг биронтаси, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам урбанизация даражаси юқори бўлган мамлакатлар қаторига кира олмайди. Ўзбекистонда аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган 17 та шаҳар мавжуд бўлиб, уларда яшаётган аҳоли сони салкам 5 миллионга этади, бу эса республика жами аҳолисининг 20 фоизга яқинини ташкил этади, холос. Шу жихатдан урбанизация жараёнлари ҳозирги кунда нихоятда мухим масала бўлиб, бу масалани ўрганишда, авваламбор, мамлакатимиздаги мавжуд демографик вазиятга тўхталиб ўтиш лозим. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб, 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади, ҳолбуки, бу ракам

Қозогистонда - 6,1, Қирғизистонда - 22,7, Туркманистанда - 9,4 ни ташкил этади. Республикаизда ҳар бир кишига 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Қозогистонда - 1,54, Қирғизистонда - 0,26, Украина - 0,59, Россияда 0,67 гектар экин майдони тўғри келади. Барча аҳолининг ярмидан кўпроги қишлоқ жойларида яшаётганлигини ҳисобга олсак, айтиш мумкинки, бизнинг қишлоқларимизда инсоний заҳираларнинг нисбий ортиқлиги эмас, балки мутлақ ортиқлиги яққол кўзга ташланади 1. Статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси қўпайишининг энг юқори суръатлари сўнгги 20-30 йилга тўғри келган. Мамлакатимиз аҳолиси 1970 йилдан 2000 йилгача карийиб 13 миллионга ортди. Ишлаб чикаришни худудий ташкил этиш ва ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболини белгилашда шаҳарлар, айникса, йирик шаҳарларнинг ахамияти каттадир. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар, асосан, республиканинг собик Иттифоқ давридаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш и билан боғлиқ. Ўзбекистонда 1970 йили 43 та шаҳар бўлиб, уларнинг сони 1986 йилга келганда 123 тага етди. Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси улушининг энг юқори кўрсаткичи 1979 йилга тўғри келиб, 41,4% ни ташкил этган. Кейинги йилларда урбанизация жараёни пасайиб бориб, 2005 йилга келиб у шаҳар аҳолиси ва шаҳарлар сонининг тез ўсиб бориши ҳамда катта шаҳарлар ролининг ортиши билан ифодаланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 120 та шаҳар ва 13 та шаҳар типидаги поселка бўлиб, 1926 йилга нисбатан республикадаги шаҳарлар сони 5 мартадан кўпроқ ортган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, 1972 йилда шаҳар аҳолисига кўйиладиган минимал ценз 10 мингдан 7 мингга туширилиши хам щаҳарлар сонининг бирдан кўпайишига олиб келди. Агар 1926 йилдан 1972 иилгача Ўзбекистонда 18 та шаҳар пайдо бўлган бўлса, 1972 йилдан бошлиб 1991 йилгача республикада 79 та янги шаҳар пайдо бўлди. Демографик жараёнлар, яъни аҳоли сонининг ўзгариши, унинг сабаблари, ўзига хос хусусиятлари, кўпайиш ёки камайиш суръатлари, туғилиш ва ўлим даражаси, никоҳ ва ажралиш, авлодлар алмашуви, ўртacha умр кўриш, жинсий ва ёш таркиби каби

ўта муҳим масалалар ж мият тараққиёти билан чамбарчас боғлик. Улар, бир томондан, жамият тараққиёт даражасига, ундаги иқтисодий, сиёсий ўзгаришларга боғлик бўлса, иккинчи томондан, мамлакат тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади. Демографик жараёнлар у ёки бу давлатда рўй берадиган турли ўзгаришларни маълум жиҳатдан осонлаштиради ёки қийинлаштиради. Шунга кўра, бу жараёнлар билан боғлиқ бўлган турлитуман масалаларга бефарқ қараб бўлмайди. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти аҳолисининг тез суръатлар билан кўпайишида кўринади. Бу борада у қўшни Тожикистон билан биргаликда МДҲ таркибига кирувчи давлатлар орасида етакчи ўринни эгаллаб турибди. Мамлакатимиз аҳолиси йилига ўрта ҳисобда 350-400 минг кишига кўпайиб бормоқда. Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиши ҳар минг киши ҳисобида олганда, кейинги йилларда аста секин пасайиб бормоқда. Масалан, 1989 йили табиий ўсиш 32,1 %ни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 16,0 %га тушиб қолди. Юқорида келтирилган жадвал таҳлилидан аҳолининг табиий ўсиши қишлоқларда шаҳарларга нисбатан айча юқори эканлигини ҳамда кишлок аҳолисининг улуши ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Мамлакатда аҳоли сонининг тез суръатлар билан кўпайиши туғилишнинг кўплиги ва ўлим даражасининг аста-секин камайиб бориши асосида рўй бермоқда. Туғилиш ва аҳоли табиий ўсишининг юкорилиги, аввало, аҳоли орасида ўзбеклар ҳамда бошқа маҳаллий миллат вакиллари кўпчиликни ташкил этиши билан ифодаланади. Бу, ўз навбатида, ана шу миллатга хос бўлган серфарзандлик анъаналари, аҳолининг катта қисми қишлоқларда истикомат қилиши, аёллар орасида ишлаб чикаришда банд бўлганлар сочи камлиги каби сабаблар билан боғлик. Республика жами аҳолисида шаҳар аҳолиси салмогининг кўпая бориши 1970- 1990 йилларга тўғри келади. Ана шу давр ичидаги шаҳар аҳолиси салмогининг ортиши кўп ҳолларда сунъий равишида, яъни шаҳар аҳолиси салмогини кўтариш мақсадида қатор қишлоқ манзилларига асоссиз тарзда, илмий жиҳатдан исботланмаган ҳолда шаҳар мақоми берилиши туфайли рўй берди. Республика мустақилликка эришгач,

бундай усулга чек қўйилди. Натижада, шаҳар аҳолиси орасида туғилиш кишлоқдагига нисбатан кам бўлиши туфайли шаҳар аҳолисининг салмоғи камая борди. Масалан, 1991 йили шаҳар аҳолисининг салмоғи 40,3 фоиз бўлгани ҳолда, 2005 йилга келиб, бу ракам 36,3 фоизга тушиб қолди. Мутахассисларнинг фикрича, республика аҳолисининг юхори суръатлар билан ўсиб бориши келажакда ҳам, гарчи бироз суст булса-да, давом этади. Лекин, аҳоли билан боғлик бўлган соҳаларда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Бу асосан, бир ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлим даражасининг кейинги даврда анча камайганлигига карамай, ҳамон анча юкори даражада турганлигидир. Масалан, 1980 йил маълумотларига кўра, бир ёшгача болалар ўлими 47 %ни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, бу кўрсаткич 16,2 %га тушди, бирок бу ҳам юкори кўрсаткичdir. Ушбу кўрсаткич жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, жумладан, Японияда 218%, Швецияда 3,1%ни ташкил этади. МДҲ давлатларида шаҳарларнинг сонига кўра, қўйидагича гурухлаштириш кабул килинган: кичик шаҳарлар - 50 мингтacha, ўртача шаҳарлар - 50-100 минггача, катта шаҳарлар - 100 мингдан ортик аҳолига эга бўлишлари керак. Шаҳарлар мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тараққиётида мухим ўринга эга. Мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва демографик салоҳияти айнан шаҳарларда мужассамлашган. 2005 йилда Ўзбекистонда жами аҳолининг 36,3% и истиқомат қиласидиган 120 та шаҳар ва 113 та шаҳар типидаги посёлка мавжуд эди. Мустакиллик йилларида шаҳарлар сони деярли ўзгармади. Жумладан, 1991 йилда республикада 227 та шаҳар ва шаҳарчалар мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу 6 тага кўпайди. Урбанизация суръатларининг бундай пастлигини сабаби, бизнинг фикримизча, республиканинг ўзига хос ҳусусиятлари ва ўтиш даврида кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган эътибор билан ифодаланади. Шаҳарларда аҳоли сонининг ўсиши паст даражада бўлишига миграция билан бир қаторда маълум маънода табиий ўсиш коэффициентининг пасайиши ҳам таъсир кўрсатди, чунки табиий ўсиш, айникса, шаҳарларда паст даражада сақланиб қолмокда.

Масалан, 2001 йилда табиий ўсиш Бухорода - 8 %, Самаркандца - 5,7 %, Жиззахда - 5,3 %, Фаргонада - 6,8 %, Тошкентда - 5 %, Чирчикда - 2,1 % ни ташкил этди. Табиий ўсиш коэффициентининг бу даражада бўлиши туғилиш даражасининг пасайиб бораётганлиги билан ифодаланади. Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, республикада урбанизация жараёни ҳалигача заиф. Бунинг асосий сабаби - республикада қишлоқ аҳолиси салмоғининг юқорилигидир. Бу ҳол Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусияти билан бевосита боғлиқ. Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси орасида туғилиш ва умуман аҳолининг табиий қўпайиши шаҳарлардагига нисбатан анча юқори. Халқимизга азал-азалдан хос бўлган бу хусусияга анъана сифатида ҳали узок вақт сақланиб қолиши мумкин.

Назорат саволлари

1. Тарихий демография фанининг мақсади нимада?
2. Хусусий бандлик агентликлари қандай мақсадда тузилган?
3. Аҳоли бандлиги тўғрисида Фармон қандай мақсадларни қўзлаб қаъбул қилинди?
4. Ички миграция Ўзбекистон Республикасининг қайси ҳудудларин қамраб олмоқда?
5. Аҳолини рўйхатга олиш қандай мақсадда амалга оширилади?
6. Аҳоли миграция нима?
7. Аҳоли янги иш ўринларини яратиш бўйича қандай амалий ишлар амалга оширилмоқда?
8. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

4-МАВЗУ: Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлар.

Режа:

1. Мустақиллик йилларида меҳнат шароитлари ва демографик жараёнлардаги ўзгаришлар.

2. Аҳоли ўсиши ва жойлашиши.

Таянч сўзлар: *Мустақиллик, демографик ўзгаришлар, аҳоли меҳнат муносабатлари, меҳнат ресурслари, ўсиши тенденциялари, вилоятлар бўйича ўсиши, даромадлар.*

Мустақиллик йилларида меҳнат шароитлари ва демографик жараёнлардаги ўзгаришлар

Аҳоли ва меҳнат русурсларини такрор ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон ноёб минтақалардан бири ҳисоблаиади. Демографик, яъни аҳоли ўсишининг ўзига хос мослиги мамлакатимизнинг регионал хусусияти бўлиб, аҳолини ва меҳнат ресурсларининг тез вақтда ўсаётганини кўрсатади. Агар, Ўзбекистонда аҳолини ўсиши мустақиллик даврини кузатсақ, у ўсиб боради. Буни куйидаги рақамларда кўриш мумкин: Йиллар Аҳоли сони 1990-20322; 1995-22562; 2000-24654; 2004-25857; 2005-26100. XIX асрнинг охирида Ўзбекистон худудида 4 мингга яқин аҳоли яшаган. Демографик вазиятга урушлар таъсир этган. 60 - йиллардан бошлаб аҳоли сони ўсиб аҳолининг ёш жинсий таркибини ўрганиш аҳоли географияси фанининг асосий вазифаси сифатида қайд этилган. Айниқса демографик тадқиқотларда аҳолининг жинсий ёш таркибини демографик жараёнлар шаклланиш ининг асосий омили сифатида ўрганишга катта эътибор кўрсатилган. Ўзбекистонда ҳам ана шундай тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, Қорахоиров М.К. Ўрта Осиёning демографик ривожланишини ўрганар экан, 1897 ва 1970 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатлари асосида аҳолининг жинсий таркибидаги ўзгаришларни аниқлаб чиккан 1.Муллажонов И.Р. ўз тадқиқотларида Ўзбекистонда аҳолини такрор барпо бўлиши ва демографик ривожланиш бўйича олиб борган илмий тадкиқотида аҳоли ёш жинсий таркибини асосий омиллар таркибида қайд этган 2.Буриева М.Р. Ўзбекистонда оиланинг демографик хусусиятларини ўрганишда аҳоли жинсий-ёш таркибини оила ташкил топишини асосий омили сифатида таҳлил этган. Маълумки,

аҳолининг асосий кисми 18-50 ёшларида турмуш қуриб, фарзанд кўришади. Ана шунинг учун хам репродуктив ёшдаги аҳолининг жинсий мутаносиблиги муҳимдир. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни жуда ўзгарди. Авваламбор уларнинг маълумотлилик даражаси ошиб борди, никох ёши кўтарилиб, фарзандлар туғиши бирмунча камайди. Айникса давлатнинг оиласа, оиласалар саломатлигига бераётган эътибор яна хам кучайди. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқ худудларида, вилоятларида 1959-1989 йиллар ва мустакиллик даврида аҳолининг жинсий мутаносиблиги ижобий ўзгаришлар билан изоҳланади. Аҳоли ёш таркиби бўйича уч гурӯҳга - болалар, меҳнат ёшидаги аҳоли ва қарияларга ажратилади. Ҳар учала гурух ўзининг ижтимоий-демографик фаолияти бўйича ўзаро фарқ килади. Ўзбекистонда болалар (0-15 ёш) гурухи 1959 йилда жами аҳолининг 38,9 % ини ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, бу кўрсаткич 36,7 % га teng бўлди. Шаҳар аҳолисининг таркибида эса болалар гурухи 31,6 % ни ташкил этди. Мехнат ёшидаги аҳоли (16-54 ёш аёлларда; 16-59 эркакларда) Республика бўйича жами аҳолининг 56,2 % ини, шаҳар аҳолиси таркибида 57,7 % ини, қишлоқ аҳолиси таркибида 53,1 % ини ташкил этди. Қариялар салмоғи шаҳар аҳолиси таркибида бирмунча юкори бўлиб, 10,7 % га, қишлоқ аҳолисида 7,3 % га тенгдир. Республиканинг мустакиллик даврида шаҳар аҳолисининг ёш таркибида кескин ўзгариш кузатилади. Аҳоли таркибида болалар салмоғи камайиб, мехнат ёшидаги аҳоли ва қариялар салмоғи кўтарилиди. Шаҳар аҳолисининг ёш таркибида рўй бераётган ўзгаришлар туғилиш жараёни билан боғлиқ. Аҳоли ёш-жинсий таркибини ўрганиш аҳоли рўйхатларидир. Аҳоли рўйхатларида аҳолининг жинсий-ёш таркиби ва унинг ижтимоий, иктисадий, сиёсий фаолияти ҳақида батафсил маълумот тўпланади. Аҳоли рўйхатлари илмий асосланган дастурлар орқали жуда кенг мавзуларни қамраб олган холда, 5-10 йилларда ўтказилиб турилади. Ҳозирги даврда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари шу қадар кенг доирада тўпланганки, улар асосида аҳолининг ижтимоий-демографик гурухларини

фақат микдорини эмас, балки уларнинг сифати, яъни маълумоти, оилавий ҳолати, ижтимоий аҳволи ва бошқа хусусиятларини ҳам ўрганиш мумкин. Олинган маълумотлар ЭҲМлар ёрдамида ҳар бир йўналишлар бўйича алоҳида ўрганилиб, статистик йилномалар тайёрлаб борилади. Дунёдаги барча давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг жинсий-ёш таркиби ва демографик жараёнларни ўрганиш ўз тарихига ва хусусиятига эгадир. Ўзбекистонда демографик таркиб ва жараёнларни ўрганишда ўлка худудида ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари ҳам катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон худудида ҳам ҳозирги даврга қадар қатор аҳоли рўйхатлари ўтказилган. Илмий манбаларда кўрсатилишича, Республикада дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган бўлиб, у ҳозирги Ўзбекистон чегарасидаги барча худудларни қамраб олмаган. Шундай бўлсада, ушбу рўйхат маълумотлари Ўзбекистонда XIX аср охирида истиқомат этган оилалар, аҳолининг сони, жинсий-ёш ва этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Ўзбенистонда кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йилларда аҳоли рўйхатлари ўтназилди. Ушбу рўйхатларда Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг жинсий-ёш таркиби ҳақида тўла маълумотлар тўпланган. Демографик тарниб ва жараёнларни ўрганишда навбатдаги манба социологик демография тадқиқотлардир. Демографик жараёнларни социологик тадқиқотлар ёрдамида ўрганиш социал демография тадқиқотлар дейилади". Бундай тадқиқотлар ўтназиш усули билан асосан демографик жараёнларни авлодлар бўйича хусусиятлари, омиллари ва муаммоларини атрофлича ўрганиш мумиин. Социал-демографик тадқиқотлар, айниса мунтазам аҳоли рўйхати ўтназилмаган ҳудудлар демографик ҳолатини ўрганишда катта ёрдам беради. Бунинг учун демографик жараёнларни ўрганишга оид мутахассислар томонидан маҳсус сўровномага асосан сухбатлар олиб борилади ва маълумотлар тўпланади. Социал демографик тадқиқотлар республияининг шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари бўйича алоҳида ўтназилади. Ўзбекистонда шаҳар ҳудудларида бундай тадқиқотлар XX асрнинг биринчи ярмидан

бошлаб ўтказилиб келинмокда. Уларда шаҳар аҳолисининг жинси, турли ёш гурухлари (болалар, ўсмирлар, ёшлилар, кариялар, меҳнат ёшидаги аҳоли, репродунтив ёш) га оид кимматли маълумотлар мавжуддир. Қайд этилган манбалар Ўзбекистон ҳудудларининг демографик тариби ва ҳолатида рўй берадиган ўзгаришларни аниқлашда, муаммоларини белгилаб, истиқболини ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат қиласи. Аҳоли ва меҳнат русурсларини такрор ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон ноёб минтақалардан бири ҳисобланади. Демографик, яъни аҳоли ўсишининг ўзига хос мослиги мамлаиатимизнинг регионал хусусияти бўлиб, аҳолини ва меҳнат ресурсларининг тез вақтда ўсаётганини кўрсатади. Агар, Ўзбекистонда аҳолини ўсиши мустақил даврини кузатсаб, у ўсиб боради. Буни қуйидаги рақамларда кўриш мумнин: Йиллар аҳоли сони * 1990 20322, 1995 22562, 2000 24654, 2004 25857, 2005 26100. XIX асрнинг охирида Ўзбенистон ҳудудида 4 мингга яқин аҳоли яшаган. Демографик вазиятга урушлар таъсир этган. 60 - йиллардан бошлаб аҳоли сони ўсиб. 1960 - 1970 й. - 15,3 % усади. 70-80 йилларда аҳолининг ўсиши 30,4 % ташкил этади. Бундай йўналиш ўтган 10 йилликда ҳам сақланади ва бу даврда аҳолининг умумий ўсиши 29 % га teng бўлди. 2005 йилда Ўзбекистон аҳолисининг умумий сони 26,1 млн. кишини ташкил этди. Булардан 9,5 млн. киши шаҳарда, 16,6 млн. киши қишлоқларда яшайди. Ўзбекистон аҳолисининг ритмик ўсиши қуйидаги омиллар билан бөглиқ. Бу - туғилишни юқорилиги (асосан қишлоқ жойларида), ўлимнинг нисбатан пасайганлиги, никоҳнинг кўплиги, ажралишнинг нисбатан камлиги, республикалар аро миграция ва бошқа омиллар. Аҳолининг табиий ўсиши кўпроқ қишлоқ аҳолисига туғри келади. Мамлакатда асосий аҳоли ўзбеклар бўлгани учун аҳолининг табиий ўсишига миграция ва эмиграция унча таъсир этмайди, чунки Ўзбекистондан чет элга доимий яшаш учун кетадиганлар сони катта эмас. Демографик вазиятга таъсир этувчи омиллардан яна бири - аҳоли орасидаги ўлим даражаси. Ўзбекистонда ўлимнинг умумий коэффициенти ҳар минг аҳоли ҳисобида 5 киши. Бу МДҲ мамлакатлари орасида энг паст кўрсаткич. Ҳозир бир ёшгача

бўлган болалар ўлими ҳар минг кишига нисбатан 16,2 тенг. Туғилиш ва ўлим ўртасидаги тафовут аҳолининг табиий кўпайиш даражасини кўрсатади. Бу кўрсаткич ҳозир 15,5 промиллегага тенг (ҳар минг аҳолига хисоблаганд). Албатта, аҳоли ўсишига оила муносабатлари ҳам таъсир кўрсатади. 2005-йилда Ўзбекистонда 156,4 минг никоҳ қайд этилган ва шу билан бирга 17,5 минг ажралиш рўй берди. Ҳозирда 8,9 никоҳга бир ажралиш тўғри келмоқда. Бизнинг менталитетимизда бу оилавий фожеадир. Турмуш даражасини кутариш демографик сиёсатсиз бўлмайди. Бу сиёсат республикада ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлайди, соғлом авлодни юзага келтиради. Демографик сиёсатни амалга ошириш, биринчи навбатда, аҳоли саломатлигини яхшилаш, оилани қўллаб-куватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, иккинчидан, республикада меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлашни такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоялаш дастурларини қабул қилишдир. Аҳоли таркибига келсак, мамлакатда 14 ёшгача бўлганлар сони ўсиб бормоқда, улар аҳолининг 40,8% ни ташкил қиласди, 28,3% ёшлар 15-29 ёшлардан иборат. Болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг салмоғи 70%, яъни республика аҳолисининг 2/3 қисмини ташкил этади. Аҳоли таркибини турар жойларга караб ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. 2005-йил Ўзбекистонда 37% дан кўпроқ аҳоли шаҳарларда истақомат қилган. Бу кўрсаткич Тошкент вилоятида бирмунча юкори. Демак, маҳаллий аҳоли урбанизацияга унчалик моил эмас. Аҳолининг асосий қисми ҳали ҳам қишлоқда яшаб келмоқда. Маълумки аҳолининг ижтимоий табақаси ва иш билан таъминлаш ўртасида алокадорлик бор. 2000 йил аҳолини 80% ишчи ва хизматчилар эди. Уларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони, аксинча камайиб борди. Охирги йилларда аҳолининг таълим бўйича таркиби ҳам такомиллашмокда. Ишчи ва хизматчиларни умумтаълим даражаси ўсмокда. Ҳозир банд аҳолиниг ҳар 4 тасидан бири олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларига 16 дан 59 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 дан 54 ёш гача бўлган аёллар киритилади. Меҳнат

ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини тахлил қилиш учун аҳолини 2 гурӯҳга бўлиш лозим. 1- гурӯҳ - иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли. Уларга қуидагилар киради: - мактаб ёшидагилар, ўқувчилар ва талабалар; 27 - нафақаҳўрлар; - уй рўзгор ишлари, болалар тарбияси билан шуғулланган шахслар; - ишлашни хоҳламайдиганлар; - ишлаш зарурияти бўлмаганлар. 2 - гурӯҳ - Иқтисодий фаол аҳоли бўлиб, унга меҳнатга лаёқатли ва ўз кучини таклиф қилувчилар киради. Мамлакатдаги иқтисодий фаол аҳоли даражаси қуидагича ҳисобланади: Бу ерда FA - иқтисодий фаол аҳоли; J - иқтисодий фаол аҳоли даражаси; A - барча аҳоли. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда долзарб муаммолардан бири ўсиб келаётган ёш авлодни, яъни меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашдир. Республика қишлоқ аҳолисини 60%и қишлоқ хўжалигига банд, лекин қишлоқда меҳнатни ташкил этиш доираси тор. Қишлоқ хўжалигига, меҳнат ресурсларининг кўплигини эътиборга олган ҳолда бошқа тармоқларни ҳам ривож лантириш керак. Масалан, катта ишлаб чиқаришни филиалларини очиш, кичик цехлар, майда (кичик) корхоналар ёки номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш зарур. Умуман олганда, меҳнат ресурсларидан тўлик фойдаланиш учун Ўзбекистонда кўпроқ қурилиш, кичик ва қўшма корхоналар доирасини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳаларни ривожлантириш, дам олиш зоналарни ташкил этиш каби муаммоларни ҳал этиш талаб этилади.

Аҳоли ўсиши ва жойлашиши

Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг қарори билан 1983 йилнинг сентябр ойида Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи нишонланди. 1989 йилда эса Бирлашган Миллатлар ташкилотининг қарори билан Тошкентга «Тинчлик элчиси» деган фахрий унвон берилди. Мустакил давлатлар ҳамдустлигига Тошкент Москва, Санкт-Петербург, Киевдан кейин тўртинчи катта шаҳар ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу ерда юздан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари яшаб келмоқда. XX асрлик давр ичida Тошкент оддий бир манзилгоҳдан юксак саноатлашган пойтахт шаҳарга айланди. Асрлар давомида шаҳар кўп воеаларни бошидан кечирди. Уида юксалиш ва

инқироз даврлари кўп бўлиб, неча маротаба вайрон бўлиб кайтадан тикланди. Қадимий ўрнидан бир неча бор силжиб, номи ҳам ўзгариб турди. Чоч, Шош, Тошкент, Бинкат номлари билан аталган маъумотлар ёзма манбаларда хилмажил тарзда учрайди. Аниқроқ маълумотлар эса милоддан аввалги II аср-милодий V асрларга мансуб Хитой манбаларида учрайди. Мил.ав. III асрдан то милодимизнинг III асригача Чоч вилоятида ташкил топган “Қанғ” давлати ҳақида ёзма маълумотлар сакланган. 4 Хитой тарихчиси Сима Цянь, Бан Гу ва бошқа Хитой муаллифлари асарларида учрайди. Қангуйларнинг хўжалиги, маданияти ва турмуш тарзи археологларнинг Ковунчи маданиятига оид ёдгорликларида ўрганилган. Бу давлат мил.ав. II асрда буюк давлат бўлган. Унда улкан истеҳкомлар, қалъа, шаҳар ибодатхоналари, савдо ва ҳунармандчилик марказлари бўлган. Бу даврда Тошкент Буюк ипак йўлида жойлашганлиги учун Европа мамлакатларининг Ҳиндистон ва Хитой билан олиб борган турли алоқаларида муҳим роль ўйнаган. VI асрда Тошкентни турклар истило этганлар. Улар шаҳар атрофини мудофаа девори билан ўраб оладилар. VIII асрда араблар босиб оладилар. Арабларда «ч» ҳарфи бўлмаганлиги сабабли арабий асарларда «Шош» деб ёзилган. IX-X асрларда Тошкент Сомонийлар давлати таркибида, X аср охирларидан XIII аср бошигача Қорахонийлар ва Қорахитойлар давлатлари тасарруфида бўлган. IX асрдан бошлаб Тошкент ҳақидаги маълумотлар Ал-Хоразмий, тарихчи Ат-Табарий ва X асрда яшаган араб географии Истаҳрий асарларида учрайди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Чоч ўзининг камон ва ўқ-ёйлари билан машхур бўлганлиги ёзилади. Биринчи маротаба Тошкент атамаси XI асрда Абу Райхон Беруний ва Махмуд Қошғарий асарларида тилга олинади. Беруний ўзининг «Ҳиндистон» номли асарида Тошкент номининг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади: «Тош сўзи асли туркча исм бўлиб, Шош кўринишини олган. Тошканд-тошли қишлоқ демакдир». Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг шаклланиб, шаҳарларнинг қад кўтариши шу ўлкада яшаган қадимги чорвадор ва дехкодларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги улкан тарихий жараён бўлиб, бу жараён шубҳасиз

ўлканинг ўзлаштирилиб обод этилиши, унда чорвачилик ва дехқончилик хўжаликларининг ташкил топиши ҳамда ҳунармандчилик, ички ва ташки савдонинг ривож ланиши тарихи билан узвий боғлиқдир. Шаҳар кизғин савдо-сотиқ маркази бўлганлиги ҳақида Тошкент территориясидан топилган тангалар далолат беради. 1214-15 йилда Мухаммад Хоразмшох Тошкентни босиб олади. 1220 йилда эса мўғуллар унчалик қаршиликсиз босиб оладилар. XIV - XV аср бошларида Тошкент Темур ва Темурийлар давлати таркибига киради. Темурийлар ўртасида бошланган ўзаро урушлар натижасида 1485 йилда Тошкент Мўғилистон хони Юнусхон кўлига ўтади ва унинг қароргоҳига айланади. Юнусхон вафотидан сўнг ўғли Султон Махмудхон бош каради. 1503 йилда эса Тошкентни Шайбонийҳон эгаллайди. Шаҳарни бошқаришни амакилари Суюнчихужаҳон ва Кучкинчихонга беради. Шайбонийлар сулоласи хукмронлиги даврида Тошкент ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданий марказлардан бирига айланади. Катта курилиш ишлари олиб борилиб, меморчилик обидалари қад кўтаради. Барақхон ва Кўкалдош мадрасалари шу даврда курилган. 1576 йилда Тош кент Шайбонийлардан бўлган Абдуллахон II тасарруфига ўтади. Унинг вафотидан сўнг эса козок хони Таваккал (1599йилда) уни босиб олади. 1613 йилда Аштархоний авлодидан бўлган И момқулихон қозоқларга қарши курашиб, Тош кентни қўлга киритади ва ўз ўғли Искандарни ноиб этиб тайинлайди. Кўп ўтмай шаҳар аҳолиси исён кўтариб Искандарни ўлдирадилар. Газабга келган И момқулихон Тошкент аҳолисига қирғин келтиради. XVIII аср биринчи чорагида Тошкент яна козоқ хонларига тобе бўлади. XVII-XVIII асрларда Тошкентда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланади. Натижада, Россия билан ҳам иктисадий ва элчилик алоқалари йўлга қўйилади. Тошкент савдогарлари Сибир шаҳарларига бориб савдогарчилик қила бошлайдилар. 1738 йилда Оренбургдан Тошкентга биринчи рус савдо карвони келди. XVIII аср ўрталарида гарчи шаҳар кўлдан-қўлга ўтиб турган бўлсада, у тўрт қисмдан иборат бўлган: Себзор, Кўкча, Бешёғоч, Шайҳонтохур. Ҳар бирини мустақил ҳоким бош қарган. Бу давр тарихда

«Чор ҳоким» номи билан маш ҳур бўлган. Шаҳар девор билан ўралган бўлиб, унинг узунлиги 14 км. бўлган. Баландлиги 8 метрлик девор устида иккита суворий бемалол ёнма-ён юрган. Шаҳар таш қи деворининг 12 даобозаси бўлиб улар қўйдагича номланган: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сагбон, Чигатой, Кўкча, Самарканд, Камолон, Бешёғоч, Қўймас, Қўқон ва Қаш ғар дарбозалари. Дарвозалар тунда ёпилган ва тонгтча ҳеч ким киритилмаган1. 1784 йилда Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа қолган уч даҳа ҳокимлигини ўз тасарруфига олиб, Тошкентда феодал тарқоқликка чек қўйди ва мустакил Тошкент давлатини таш кил этади. Тош кент аҳолисига тинчлик бермаётган қўчманчи козоқларни бўйсиндиришга муваффак бўлади. XIX аср бошларида Тошкентни Қўкон хонлиги босиб олди. “XIX аср ўрталарида Тошкент Ўрта Осиёning Россия билан савдо-сотик килувчи энг йирик марказига айланди. Россия билан бутун Ўрта Осиё шаҳарлари олиб бораётган савдо-сотикнинг 40% и биргина Тошкентга тўғри келади. Ҳар йили Оренбург ва Семипалатинск шаҳарларига Тошкентдан пахта, пахта маҳсулотлари, ипак, гуруч, куритилган мевалар, жун ва бошқа маҳсулотлар ортилган тужаронлари жўнатиларди. У ердан эса Тошкентга ип газламалар, темир, метал буюмлар, мўйна ва бошқалар келтириларди. 1865 йилда Тошкент Россия томонидан босиб олинди. 1867 йилда маркази Тошкент шаҳри бўлган Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилди. Чор Россияси Туркистон ўлкасида мустамлака сиёсатини мустаҳкамлаш, унинг доимий хўжайини бўлиш мақсадида рус миллатига мансуб аҳолини Ўрта Осиёга кўчирди. Туркистонга кўчиб келган русийзабон аҳолининг мутлоқ кўпчилиги ўлкада яшаб колишган. Россиянинг асосий иқтисодий сиёсати Туркистонни хом ашё базасига айлантириш, уни рус моллари сотиладиган бозор сифатида ушлаб туриш ва табиий бойликларни марказга ташиб кетишга қаратилган эди. Бу сиёсатдан кўпроқ саноат эгалари-буржуазия синфи манфаатдор бўлган. Шу мақсадда улканинг айниқса марказий шаҳрига капиталистик корхоналарини олиб кира бош ладилар. Шаҳарда янги саноат корхоналари ҳамда савдо муассасалари вужудга келди. Аҳолиси ҳам асосан европаликлар ҳисобига ўса

бошлади. 1913 йилда Тошкентда 11 саноат корхонаси, жумладан, 15 пахта тозалаш заводи, 3,5 мингдан ортик ҳунармандчилик ўстахонаси, 22 рус ва чет эл савдо фирмаларининг бўлимлари, 186 та катта-кичик дўкон бўлган. Тошкентдаги Бosh темир йўл устахонасининг 800 ишчисидан 120 таси маҳаллий миллат вакили бўлган». Тошкент аҳолиси ҳам тезлик билан ўсиб борган. Агар солиш тирадиган бўлсан 1865 йилда Тошкентда аҳоли 76 минг кишидан иборат бўлган бўлса, 1910 йилга келиб 146 мингга етган. 1917 йилда Туркистон да совет ҳокимияти ўрнатилди. 1918 йилда Туркистонга автономия ҳукуқи берилди ва Тошкент шаҳри пойтахт деб эълон килинди. 1924 йилда Ўзбекистон пойтахти Самарқандга кўчирилди. 1930 йилдан Тошкент яна пойтахт бўлди. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ҳам Тошкент аҳолисини кўпайтириш сиёсатидан воз кечилмади. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг зарурий шарти сифатида индустрлаштириш сиёсатини амалга оширишга киришилди. Саноат курилишини жадаллаштириш максадида республикага Россиянинг марказий худудларидан малакали ишчилар, мухандис техник ходимлар кўчириб келтирилди. Сунъий миграция руслаш тириш сиёсатининг муҳим воситаси бўлиб хизмат килди. Бу эса маҳаллий миллатлардан малакали ишчилар ва мухандис-техник кадрлар тайёрлашга тўсиқ қўйишининг ўзига хос йўли вазифасини ўтади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент Совет Армияси учун асосий аслаҳаҳонага айланди, саноат бутунлай фронтга хизмат қилдирилди. СССРнинг гарбий районларидан саноат корхоналари, олий ўқув юртлари ва маданият идоралари Тошкентга кўчирилди. Уруш бўлаётган ерлардан аҳоли Тошкентга эвакуация килинди. Кўчиб келган аҳоли бош пана ва озиқ-овқат билан таъминланди Болаларга эса алоҳида ғамхўрлик кўрсатилди. «Уруш йилларида немислар оккупация қилган вилоятлардан эвакуация қилинган 300 м инг киши, шу жумладан 200 м ингга яқин бола Тошкентга жойлаш тирилди». «Кўчириб келтирилганларни иш га жойлаштириш ю засидан катта ишлар амалга оширилди. 1941 йил 24 ноябрдан 31 декабргача 37,6 мингдан ортик киши, 1941-1942 йилларда карийб 240 минг

киши жойлаш тирилди ва иш билан таъминланди». Уруш йилларида Волгабўйи, Шимолий Кавказ, Қрим ярим оролидан, Грузиядан бир қатор халқлар: немислар, крим татарлар, месхет турклари, корачойлар, чеченлар, қалмиклар ва бошқа халқлар ўз юртидан мажбуран мўчирилди, яъни депортация килинди. Узбек халқининг эвакуация қилинганларни, қувгин қилиниб маҳсус мўчириб келтирилганларга кўрсатган беғараз ёрдами инсонпарварликнинг ёркин тимсоли намунасиdir. Ғалабдан кейин ҳам депортация килинган халқларга ўз юртлига кетишга имкон берилмади, уларга сунъий тўсиқлар қўйилди. 1966 йил 26 апрелда юз берган Тошкентда зилзила содир бўлди. Шаҳар жиддий шикастланди. Қардош республикаларнинг ёрдами билан уч ярим йилда зилзила оқибатлари тутатилди. Шаҳар қайтадан реконструкция қилиниб, янги туар жойлар, микрорайонлар, ҳашаматли жамоат бинолари юзага келди. Бироқ, байналминал ёрдам кўрсатганларнинг аксарияти пойтахт шаҳарда қўним топдилар. 70 йилларда Тошкент метрополитенинг биринчи йўли ишга туширилди. Айни шу даврларда бир қатор саноат корхоналари ҳам курила бошлади, Янги саноат тармоқлари вужудга келтирилди. Лекин меҳнат ресурслари маҳаллий ишчилар ҳисобидан эмас, балки бошқа республикалардан келган ишчи кучи ҳисобидан таъминланди. Натижада қатор саноат шаҳарларининг аҳолиси асосан кўчиб келганлардан иборат бўлиб қолди. «1970 йилда руслар, украинлар, белоруслар республика пойтахти - Тошкент аҳолисининг 44,1% ўзбеклар эса 37% ташкил этди». 2000 йиллик тарихга эга бўлган Тошкент шаҳри оддий бир манзилгоҳдан 329,7 км.кв. майдонга эга бўлган йирик марказий шаҳарга айланди. Аҳолиси 1897 йилда - 156 минг киши, 1926 йилда - 314 минг киши, 1939 йилда - 556 минг киши, 1959 йилда 927 минг киши, 1970 йилда - 1385 минг киши, 1977 йилда - 1689 минг киши, 2004 йилга маълумотлар бўйича 2157,8 минг кишига етди. Тошкент аҳолисининг йилдан-йилга кўпайиб бориши шаҳар худудининг кенгайишига олиб келди. Демографик жараёнлар билан боғлиқ бўлган воқеалар эса урбанизация даражасини тезлаш тириб юборди.

Назорат саволлари

1. Мустақиллик йилларида демография фани қандай ривожланмоқда?
2. Аҳолини демографик жойлаштириш қандай мақсадни қўзлаган?
3. Аҳоли бандлиги тўғрисида Фармон қандай мақсадларни қўзлаб қаъбул қилинди?
4. Ўзбекларнинг ташқи миграцияси қайси худудларин қамраб олмоқда?
5. Демографик ўсиш Республикализнинг қайси худудларида тез кечаяпти?
6. Демография фани мақсади нимада?
7. Демографик ўсиш суратлари қайси чет мамлакатлар билан таққосланмоқда?
8. Демографияни тартибга солиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

1-мавзу: Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш.

Режа:

1. Мехнат ресурслари жойлашуви жараёнларини ўрганиш.
2. Мехнат ресурсларидан фойдаланиш - илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойdevор сифатида.

Амалий машғулотнинг мақсади:

- Миллий давлат тизимини таҳлил этиш;
- Бошқарувда янги усулларнинг шакллантирилишини очиб бериш;
- Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти қарор топиши жараёнларини ўрганиш.

Амалий машғулотнинг вазифалари:

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Венн диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.
- амалий машғулот учун материал - аниқ топшириқ (“Кейс топшириқлари”), топшириқни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

2-мавзу: Мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар.

Режа:

1. Аҳоли ўсиши ва жойлашиши
2. Аҳоли ўсиши жараёнларининг аҳоли ёш таркибига таъсири.

Амалий машғулотнинг мақсади:

- Жамиятни демократлашуvida оммавий ахборот воситаларининг ролини таҳлил этиш;

- Фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги ҳаракатларни очиб бериш;
- Конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти қарор топиши жараёнларини ўрганиш.

Амалий машғулотнинг вазифалари:

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Венн диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.
- амалий машғулот учун материал - аниқ топшириқ (“Кейс топшириқлари”), топшириқни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

З-мавзу: Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.

Режа:

1. Урбанизацияни жадаллаштириш учун кўрилаётган чора-тадбирлар.
2. Убанизацияни оқибатлари.

Амалий машғулотнинг мақсади:

- Кучли ижтимоий сиёsat концепциясининг шаклланишини таҳлил этиш;
- Кучли ижтимоий сиёsatнинг босқичлари ва ривожлантирилишини ўрганиш;
- Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилинишини очиб бериш;

Амалий машғулотнинг вазифалари:

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Венн диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.
- амалий машғулот учун материал - аниқ топшириқ (“Кейс топшириқлари”), топшириқни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

4-мавзу: Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнлари.

Режа:

1. Меҳнат миграцияси.
2. Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари.

Амалий машғулотнинг мақсади:

- Банк-молия тизимини мустаҳкамлашни таҳлил этиш;
- Эришилган янги марраларни ўрганиш;
- Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилинишини очиб бериш;

Амалий машғулотнинг вазифалари:

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Венн диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.
- амалий машғулот учун материал - аниқ топшириқ (“Кейс топшириқлари”), топшириқни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

5-мавзу: Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири.

Режа:

1. Ўзбекистондаги демографик ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсирини ўрганиш.
2. Янги иш ўринларини ташкил этишнинг демографик жараёнларга таъсири.

Амалий машғулотнинг мақсади:

- Банк-молия тизимини мустаҳкамлашни таҳлил этиш;

- Эришилган янги марраларни ўрганиш;
- Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилинишини очиб бериш;

Амалий машғулотнинг вазифалари:

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Венн диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.
- амалий машғулот учун материал - аник топширик (“Кейс топшириқлари”), топшириқни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
ДАВЛАТ	бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппаратига таянадиган, барча учун қонунлар чиқара-диган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилот.	State - a politically organized body of people under a single government
ДЕМОГРАФИЯ	ижтимоий, иқтисодий, биологик, географик омиллар сабаб ва шарт – шароитлар асосида нуфуз динами-каси, миграцияси, ўрнашуви, структураси қонуниятларини ўрганувчи ижтимоий-гуманитар соҳа.	Demography - a social and humanitarian sphere which studies principals of prestige dynamics, migration, settlement, structure on the bases of conditions and according to social, economical, biological, geographical factors.
МИГРАЦИЯ	Аҳолини бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши	Migration – people migration plase
АҲОЛИ РЎЙХАТИ	Бирор мамлакатда яшаётган аҳолини рўйхатга олиш	Registrar people – country exist registrar people
ШАҲАР АҲОЛИСИ	Саноат марказида яшаб ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган аҳоли.	Electorate – the people who can vote in an election.
ИНСТИТУТ (сиёсий)	жамият ҳаётининг сиёсий ва бошқа соҳаларини бошқарувчи расмий ҳамда норасмий қоидалар, тамойиллар, меъёрларнинг барқарор мажмуасини англатувчи тушунча (масалан, ҳокимият институти, етакчилик институти ва бошқалар.)	Institute - to begin or create (something, such as a new law, rule, or system)
КОНСТИТУЦИЯ	давлатнинг асосий қонуни,	Constitution – the system

	жамият ва давлат тузилиши асосларини, давлат органлари тизими, уларнинг ташкил топиш ва фаолият юритиш тартиби, фуқароларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат.	of beliefs and laws by which a country, state, or organization governed
ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ	жамият конституцияси ва конунларида берилган диний эътиқод эркинлиги.	Freedom (liberty) of conscience – freedom of a religious belief given in the constitution and laws of the society
ДЕФОРМАЦИЯ	ниманингdir шаклини ўзгартириш	Deformation – changing (modification) of something, alteration of form or shape
ДИВЕРСИФИКАЦИЯ	сиёсий муаммога турлича ёндашувлар уйғулости, сиёсий фаолият услубларининг ранг-баранглиги.	Diversification (diversity) – a complex of approaches to the political problem, diversity of political styles of activity
ДИНИЙ БАҒРИЕНГЛИК	миллий истиқлолмафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, турли диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир ватанда келажак мақсади учун эзгу орзу-умидлар йўлида бирлашиб, ҳамжиҳат бўлиб яшашини англаради.	Religious tolerance – it is one the main ideas of national ideology of independence, it means to live in one homeland united with people of different religious beliefs friendly on the way of achieving good future objective and dreams
КОНЦЕПЦИЯ	сиёсий – у ёки бу сиёсий муаммоларни ҳал этишга қарашлар ва ёндашувларнинг яхлит тизими	Conception – the sum of a person's ideas and beliefs concerning something
КОРРУПЦИЯ	давлат ва жамиятнинг турли мансабдор шахслари орасида амалда бўлган порахўрлик,	Corruption – dishonest or illegal behavior especially by powerful

	пора билан сотиб олиш	people (such as government officials or police officers)
МАЖОРИТАР	кўпчиликка тааллуқли, кўпчиликка асосланган.	Majority - the group or party that is the greater part of a large group
МАҲАЛЛА	Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, юшма.	Mahalla – administrative and territorial unit, community of the population in Uzbekistan, it has been forming during many centuries which is still functioning.
МУСТАҚИЛЛИК	давлатнинг ички ва ташқи ишларда бошқа давлатларга қарам бўлмай фаолият кўрсатиши. Мустақиллик тамойилларига риоя этиш давлатлараро ўзаро муносабатларда етакчи, хукмон қоидадир. Ҳар бир давлатнинг мустақиллигини тан олиш ўзаро тинч-тотув яшашининг принципларидан биридир. У БМТ Устави ва халқаро шартномалар ва декларацияларда мустаҳкамлаб қўйилган.	Independence – freedom from outside control or support: the state being independent
НОРМАТИВ	меъёрни, стандартларни ўрнатувчи, қоидаларни белгиловчи	Norm – something (such as a behavior or way of doing something) that is usual or excepte
ПРЕЗИДЕНТ	сайлаш хукуқи асосида сайланган давлат раҳбари. Парламентли республикаларда, одатда, парламент томонидан, президентлик	President – the head of the government elected on the bases of election

	республикаларида эса тўғридан-тўғри ёки билвосита сайловлар йўли билан сайланади	
РЕСПОНДЕНТ	сиёsatшунослик, жамиятшунослик тадқиқотлари иштирокчиси, саволларга жавоб берувчи, сўровнома асосида ўзфикарини билдирувчи, интервью берувчи сифатидаги шахс	Respondent – a person who gives a response to a question that is asked especially as part of a survey
РЕФЕРЕНДУМ	умумхалқ овоз бериши, мамлакат ҳаётидаги бирон-бир муҳим масала бўйича халқнинг фикрини билиш. Р. натижалари императив ҳисобланади, яъни улар узил-кесил ҳал этилган саналиб, ижро этиш мажбурийдир	Referendum – an event in which the people of a country, state, etc., vote for or against a law that deals with a specific issue: a public vote on a particular issue
ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК	миллий истиқолмафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, турли диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир ватанда келажак мақсади учун эзгу орзу-умидлар йўлида бирлашиб, ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.	Religious tolerance – it is one the main ideas of national ideology of independence, it means to live in one homeland united with people of different religious beliefs friendly on the way of achieving good future objective and dreams
КОНФЕССИЯ	муайян йўналишдаги диний эътиқод.	Confession – the act of telling your sins to God or to a priest
МАФКУРА	маълум бир жамият, давлат, ижтимоий гурух, партия ёки миллатнинг туб манфаати, мақсад ва вазифаларини назарий асослаб ҳимоя	Ideology – the set of ideas and beliefs of group or political party

	қилувчи, шу мақсад йўлида уларни бирлаштирувчи, сафарбар қилувчи фалсафий, сиёсий, ахлоқий, диний, хуқуқий қарашларнинг системалаштирилган илмий билимлар мажмуасидан иборатdir.	
МАҲАЛЛА	Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирлик, юшма.	Mahalla – administrative and territorial unit, community of the population in Uzbekistan, it has been forming during many centuries which is still functioning.
МАЬНАВИЯТ	кишиларнинг фалсафий, хуқуқий, эстетик, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавият мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирларини тақозо этади.	Spirituality – a set of notions and religious, behavioral, artistic, aesthetic, legal, philosophical imaginations of man
ГЛОБАЛЛАШУВ	ахборот технологиялари, маҳсулотлари ва тизимларининг бутун дунёга тарқалиш жараёни. У иқтисодий ва маданий жиҳатлардан қараганда уйғулашувга олиб келади. Бу жараённинг тарафдорлари бундан кейинги тараққиёт имкониятларини фақат глобал ахборот жамиятиининг ривожланиш шароитларида кўришади.	process of international integration arising from the interchange of world views, products, ideas and other aspects of culture. Advances in transportation, such as the steam locomotive, steamship, jet engine, container ships, and telecommunications infrastructure, including the rise of the telegraph and its modern offspring, the Internet, and mobile

		phones, have been major factors in globalization, generating further interdependence of economic and cultural activities.
ДЕМОГРАФИЯ	ижтимоий, иқтисодий, биологик, географик омиллар сабаб ва шарт – шароитлар асосида нуфуз динами-каси, миграцияси, ўрнашуви, структураси қонуниятларини ўрганувчи ижтимоий-гуманитар соҳа.	Demography - a social and humanitarian sphere which studies principals of prestige dynamics, migration, settlement, structure on the bases of conditions and according to social, economical, biological, geographical factors.
ФУНДАМЕНТАЛИЗМ	бутун мусулмон жамиятини илк Ислом, Қуръон ва шариат «аҳ-ком»лари талабларига кўра ўзгарти-ришни ёқлаб ҳар қандай янгилик-ларни Исломга киритишга қарши чиқади ва илк Ислом даврига қайтишни мақсад қилиб қўяди. Муайян диннинг вужудга келишидаги илк даврига қайтиш ва шу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суради. Ислом фундаментализми си ёсийлашган оқим бўлиб, «ҳокимийлик» тамойилига, яъни жамиятда фақатгина Оллоҳ томонидан ўрнатилган қонунларгагина амал қилиш лозимлигига содик қолишида номо ён бўлади. Бошқача	Fundamentalism – a movement or attitude stressing strict and literal adherence to a set of basic principles

	айтганда диний қонунлардан бошқа амал қила ётган қонунлар ҳеч қандай кучга эга эмас деб ҳисоблайдилар. Шу асосда дунёвий давлат тизимини инкор этадилар.	
--	--	--

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

18. Бобоев В. Аҳоли миграцияси ва миллий маданиятлар равнақи. –Тошкент: Ўзбекистон, 1985. - 25 б.

19. Бородай С.Г.Мирзачўл ерларни ўзлаштиришда колхоз ва совхозлар тажрибаси. –Ташкент: “Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистон Сурхони бирлашган нашриёти”, 1957. 56 б.

20. Вторая мировая война. Итоги и уроки. – Москва: Воениздат, 1985. – 212 б.

21. Гафуров В.Г. Вопросы орошения целинных земель Голодной степи. – Тошкент: Узбекистан, 1968. – 118 б.
22. Горбачёв О.В. На пути к городу: сельская миграция в Центральной России (1946-1985 гг) и советская модель урбанизации. –Москва: Издательства. МПГУ, 2002. – 158 с.
23. Джабборов Н. Вопросы орошения и развития поливного земледелия (На материалах целинных массивов Узбекистана) –Тошкент: Узбекистан, 1973. 176 с.
24. Джалилов Х.М.Хлопковые совхозы Голодной степи и их развитие. Ташкент: Государственное Издательство Узбекской ССР, 1959. – 127 с.
25. Динамика населения СССР 1960-1980/ К.Д.Васильева, И.И. Елисева., О.Н.Кашина., В.И.Лапатев. –Моска: Финансы и статистика, 1985. – 176 с.
26. Дробижев В.З. Движении населения в СССР и социальны прогресс. – Москва: Знания, 1974. – 63 с.

IV. Интернет сайtlар

27. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
28. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
29. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
30. www.Britishcouncil.org – Британия кенгаши веб сайти
31. www.ziyonet.uz – Таълим портали
32. www.tefl.net – Тил ўрганиш веб сайти
33. [busyteacher.org](http://www.busyteacher.org) – Тил ўрганиш веб сайти